БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

№ 190 (7637)
15 АВГУСТ
СЕШАНБА
1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИИИН.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУГУНГИ СОНДА:

Совет халқи ўз меҳнати блан тинчлик ишини мустаҳкамламоқда (1-нчи бет).

О. Эшонов. — Марксизм-ленинизм базис ва устқурма ҳақида (2-нчи бет).

А. Садовский. — Дала шийпони — сиёсий ва маданий оқартув ишларининг маркази (2-нчи бет).

Шароф Рашидов. — Адабий танқидчиликнинг савиясини кўтарайлик! — Ўзбек адабиётида танқидчиликнинг аҳволи ҳақида (3-нчи бет).

Ғўзанинг сўнгги парваришини намунали ўтказиш блан пахта йиғим-теримига пухта тайёрланайлик! (3-нчи бет).

Ш. Кузанбоев. — Бир жиноятчининг оқланиш тарихи (3-нчи бет).

Қурия халқининг озодлиги, мустақиллиги ва бирлиги учун (4-нчи бет).

Қуриядаги воқиалар (4-нчи бет).

Маҳаллий матбуотимизнинг энг муҳим вазифалари

Улуғ Ватанимизда ҳаёт қайнаб тошмоқда. Совет халқининг ижодий меҳнати натижасида мамлакатимиз гуллаб яшнамоқда. Совет кишилари инсониятнинг олий мақсади бўлмиш коммунизмнинг муҳташам биносини барпо қилмоқдалар.

Совет халқининг ана шу булоқдек жўш ураётган жозибадор ҳаётини, унинг коммунизм учун олиб бораётган мардона курашини акс эттириш матбуотимизнинг энг муҳим вазифасидир. Совет халқининг ҳар кунги ишида, меҳнатида, курашида йилларнинг салмоғи бор. Совет халқи ўз бошидан кечираётган ҳарбир йил бутун бир асрга тенгдир. Қаҳрамон халқимизнинг мардона курашини ёритиш, уни тарғиб қилиш, қаҳрамон ва ижодкор халқнинг кун сайин эришаётган ғалабасини бутун дун'ёга намойиш қилиш совет матбуотининг энг муҳим вазифасидир.

ВКП(б) Марказий Комитети ва доҳимиз ўртоқ Сталин матбуотимизнинг улуғвор вазифалар даражасида туриши кераклигини, унинг коллектив ташвиқотчи, тарғиботчи ва ташкилотчи бўлиши лозимлигини талаб қиладилар. Партиямизнинг кенг меҳнаткашлар оммаси блан ҳар куни, ҳар соат сўзлашиб турадиган ғоят қудратли қуроли бўлган большевистик матбуот ўз ролини шараф блан бажариб келди ва ҳозир ҳам зўр муваффақият блан бажармоқда.

Мамлакатимизнинг ишчилари, колхозчилари ва зиёлилари она-Ватаннинг гуллаб яшнаши ва равнақи учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Стахановча тинчлик вахтасида туриб меҳнат қилаётган совет кишилари янги-янги зафарларни қўлга киритмоқдалар. Маҳаллий матбуотимизнинг энг муҳим вазифаси ишлабчиқариш илғорларининг тажрибаларини кенг ёйишдан иборатдир. Ўртоқ Сталин бундай деб таълим беради: «Ишимизда раҳбарлик қилиш учун фақат бизнинг тажрибамиз, раҳбарларнинг тажрибаси мутлақо кифоя қилмайди. Тўғри раҳбарлик қилиш учун раҳбарларнинг тажрибасини партия оммасининг тажрибаси, ишчилар синфининг тажрибаси, меҳнаткашларнинг тажрибаси, «кичик одамлар» деб аталучиларнинг тажрибаси блан бойитиш зарур».

Маҳаллий матбуотимиз завод ва фабрикалардаги, колхоз ва совхозлардаги илғор кишиларнинг ватанпарварлик ҳаракатларини, тажрибаларини кенг миқёсда тарғиб қилиш йўли блан бошқаларни ҳам илғорлардан ўрнак олишга, уларга тенглашишга ўргатиши лозим.

Область ва район газеталаримиз Маркс, Энгельс, Ленин, Сталиннинг улуғ ва енгилмас ғояларини тарғиб қилишлари, кенг меҳнаткашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялашлари зарур. Матбуот шундай ишлаши керакки, у кенг меҳнаткашлар оммасини олдимизда турган улуғвор вазифаларни муваффақият блан бажаришга сафарбар этсин.

Владимир Ильич Ленин биз матбуотни шовқин-суронли хабарларни тарқатувчи органдан, сиёсий янгиликларни оддий равишда қайд қилиб туручи органдан оммани ҳар жиҳатдан қайта тарбияловчи қуролга, оммани меҳнатни кандай қилиб, янгича ташкил қилишга ўргатадиган қуролга айлантиришимиз лозим деб таълим берган эди. Матбуотимиз улуғ доҳининг ана шу кўрсатмасига ҳамиша амал қилиши керак.

Республикамиз меҳнаткашлари давлатга бу йил ҳар йилдагидан ҳам кўпроқ пахта етказиб бериш учун курашмоқдалар. Ҳозир мўл ҳосилнинг тақдирини ҳал қиладиган пайт келди. Вазифа ғўза парваришини ҳартарафлама кучайтириб юборишдан, пахта далаларидаги ҳосилни тўла сақлаб қолиб, кўсакларнинг тез етилишини та'минлашдан, йиғим-теримга большевикча уюшқоқлик блан тайёргарлик кўришдан ва йиғим-теримни ўз вақтида бошлаб юборишдан иборат.

Ўзбекистон Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг барча пахтакорларга қарата ёзган Мактубини кенг пропаганда қилиш, бу Мактубда белгиланган тадбирларнинг тўла-тўкис бажарилишига эришиш учун курашда маҳаллий матбуотимизнинг зиммасига жуда катта ва мас'улиятли вазифалар юкланади.

Область ва район газеталари, шунингдек деворий газеталар пахта далаларидаги ижобий ишларни кенг пропаганда қилиш блан бир қаторда ишдаги камчиликларни большевикча ростгўйлик блан очиб ташлашлари керак ва танқидни кучайтириш йўли блан ҳамма жойда яхши ва унумли иш олиб борилишига эришиш лозим.

Кўпгина газеталар ўз олдида туриган вазифаларни тўғри тушуниб иш олиб бормоқдалар. ЎзК(б)П Киров район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Советининг органи «Коммунизм йўли» газетаси (мас'ул муҳаррири ўртоқ Н. Жўрабоев) саҳифаларида қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларидан ҳархил темаларда доим материаллар бериб борилади, илғорлар тажрибаси мунтазам равишда ёритилади. Газетанинг илғорлар минбари рубрикаси бор. Унда колхоз раислари, бригада, звено бошлиқлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ва колхоз стахановчиларининг тажрибалари кенг ёритилмоқда. «Коммунизм йўли» газетаси «пахта далаларида» рубрикаси остида бевосита пахта далаларидан ёзилган бригада, звено ва айрим колхозчиларнинг фаолиятларига доир ижобий ва танқидий материалларни мунтазам равишда бериб боради.

ЎзК(б)П Ленин район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Советининг органи «Ленинчи» газетаси ҳамда ЎзК(б)П Ғиждувон район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Советининг органи «Колхоз ҳақиқати» газеталари пахта далаларидаги ишларни, илғорлар тажрибасини яхши ёритмоқдалар.

Аммо ҳамма жойда ҳам аҳвол шундай яхши деб бўлмайди. Колхоз ҳаётидан ажралган, қишлоқ илғорларининг ташаббусларини ўз вақтида сезмайдиган, қишлоқ мухбирларига суянмасдан, кўпроқ оқиб келган материаллар блан газета саҳифаларини тўлдирадиган газеталар ҳам бор. Булар қаторига «Илғор Сурхон учун» (Сурхондар'ё область газетаси) ЎзК(б)П Олтинариқ район комитети ва район Советининг органи «Илғарига» газетаси, шунингдек Наманган область Янгиқўрғон район газетаси «Ленин йўлидан» газеталари киради. Бу газеталар ўз мундарижасини яхшилаши, тематикасини бойитиши, активлар сонини кўпайтириши керак.

Маҳаллий матбуот илғорлар тажрибасини кенг ёритишга алоҳида аҳамият бериши зарур. Газеталар айрим кишиларнинг муваффақиятларини ёзиш блан чекланиб қолмасдан, унинг қандай қилиб қўлга киритилганлигини тушунтириб бериши ҳам лозим. Матбуот илғор тажрибалар минбаридир. Унда илғорларнинг тажрибасини кенг ёритиш блан бир қаторда бошқаларни ҳам янги-янги ғалабаларга илҳомлантириши зарур. Газеталаримиз танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириб юборсалар, ишимиздаги ҳарқандай нуқсонни, хато ва камчиликларни юзхотир қилмай принципиаллик блан очиб ташласалар мас'улиятли бир даврда олдимизда турган муҳим вазифаларни бажариш ишига ғоят катта ҳисса қўшадилар.

Матбуотимиз ўз саҳифаларида танқид ва библиографияни мунтазам равишда бериб туриши, янги китобларни тарғиб қилиши, тез-тез фан ҳақида суҳбатлар ёритиб туриши, колхоз қишлоғининг тобора ўсаётган маданиятини кенг тарғиб қилиши, партия ҳаёти ва партия ўқувини системали равишда ёритиб туриши лозим.

Маҳаллий матбуот ўз олдида турган шарафли вазифани бундан кейин ҳам муваффақият блан бажаришига шак-шубҳа йўқ.

Орден ва медальлар топширилди

АНДИЖОН, (ЎзТАГ). СССР Олий Совети Президиумининг топширувига мувофиқ, Андижон область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳожибеков 1949 йилда пахта ва шолидан юқори ҳосил олганликлари учун мукофотланган Андижон район, Ёрбоши қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз а'золаридан бир группасига орден ва медальлар топширди.

Звено бошлиқларидан Юсуп Бувабеков, Турғунбой Раҳимов ва Аҳмаджон Мамадалиевларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилгани ҳақидаги ёрлиқ ва Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва болға» олтин медали топширилди.

Колхозчилардан Усмонали Асқаров, Ҳаким Парпиев, Исомиддин Турсунов, Мамажон Мамадалиевлар Ленин ордени олдилар.

Колхоз раиси Иброҳим Бакировга меҳнат Қизил Байроқ ордени топширилди. Колхозчилардан катта бир группасига ҳам орден ва медальлар берилди.

Мукофотланганлар номидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Мамадалиев сўзлаб, колхоз а'золари партия ва ҳукуматимизнинг колхозчилар ҳақида қилаётган ғамхўрлигига жавобан 275 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш учун бутун куч-қувватларини сарф қиладилар, деди.

Ўртоқ Ҳожибеков мукофотланганларни табриклади ва уларнинг Ватанимиз бахт-саодати учун қилаётган ишларига муваффақият тилади.

Пилла тайёрлаш плани бажарилди

НАМАНГАН, (ЎзТАГ). Наманган областининг пиллачилари йиллик пилла тайёрлаш планини бажардилар. Такрорий қурт боқиш юзасидан берилган топшириқ 107,4 процент бажарилди.

Пиллачилар қабул пунктларига пилла топширишни давом этдирмоқдалар.

Тинчликка бағишланган кўргазма

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги маданий-оқартув муассасалари ишлари комитетининг ташаббуси блан Алишер Навоий номидаги республика халқ кутубхонасида тинчликка бағишланган кўргазма ташкил этилди.

Кўргазмада «Дун'ё халқлари тинчлик учун курашда», «Дун'ёда мустаҳкам тинчлик учун», «Совет давлати—тинчликнинг қудратли таянчи», «Сталин—тинчликнинг улуғ байроқдори» деган бўлимлар бор.

Кўргазмага қўйилган «Соцчалйзм мамлакатида» ва «Капитализм мамлакатида» деган плакатлар тўплами социалистик давлатнинг капиталистик давлатлардан афзаллигини яққол кўрсатиб беради.

Кўргазмага доҳиларимизнинг асарлари, совет ёзувчиларининг тинчликка бағишлаб ёзган шеър ва очерклари қўйилган.

Кўргазма очилгандан бери уни 10 мингдан ортиқ киши келиб кўрди.

Совет халқи ўз меҳнати блан тинчлик ишини мустаҳкамламоқда

☆

Юксак ватанпарварлик руҳи

КОГОН, (ЎзТАГ). Когон станцияси локомотив депосининг коллективи тинчлик вахтасининг дастлабки натижаларини якунлади. Темирйўлчилар вахта кунларида депо бўйича меҳнат унуми 26 процент ошганлигини хурсандчилик блан қайд қилиб ўтдилар.

Электр цехининг стахановчилари тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшдилар. Улар оширилган мажбуриятларни бажариш учун курашиб, иш усулларини ихчамлаштирдилар, бирқанча ихтиро'ни амалга оширдилар.

Слесарьлардан Владимир Ашилов ва Борис Кондратьевларнинг ташаббуси блан тепловоз моторининг детальларини пайванд қиладиган асбоб тайёрланди. Бу асбоб пайванд сур'атини тезлаштирди, Слесарь Николай Самойлов моторларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш учун махсус аравача тайёрлаб, бу иш учун сарфланадиган вақтни икки соатга камайтирди. Цех мастери Лонин подшипникларни пресслайдиган юқори унумли агрегат тайёрлади.

Илғор электр цехи коллективига депонинг кўчма қизил байроғи топширилди.

ТИНЧЛИК ВАХТАСИДА ТУРИБ ИШЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Наманган шаҳрининг саноат корхоналари, ҳунармандчилик артельларидаги ишчи ва хизматчилар стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлашни давом этдирмоқдалар. Карл Маркс номидаги ёғ заводининг токари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ Йўлдош Отабоев шу кунларда топшириқни икки баравардан ошириб бажармоқда. Бу корхонада кунлик нормасини бажармовчи биронта ҳам ишчи йўқ. Гишт заводининг стахановчи ишчиларидан Мамадали Сатторов, Жўра Турғуиов, Убайдулла Диёров, Акбарали Мамадалиевлар топшириқни 2,5 баравар ошириб бажармоқдалар. «Бешйиллик» артели юмшоқ одеял тўқиб чиқариш сифатини анча оширди. Шу корхонанинг стахановчи ишчиларидан Наталия Дубовая, Зоя Дедушева, Қориҳон Ҳайдаровалар кунлик нормаларини 140—160 процентдан бажармоқдалар. Браксиз ишлаётган 10 бригада а'ло сифатли бригада деган номга эга бўлди.



Тошкентдаги шарикоподшипник заводининг токари комсомол а'зоси Жўра Азизов стахановча тинчлик вахтасида туриб, кундалик топшириқни 200 процент бажариш мусобақасига аъзо эди. Ёш ватанпарвар бу мажбуриятини планини 220 процент бажарди. шараф блан адо этмоқда. У июль ойи **Суратда:** ўртоқ **Ж. Азизов** навбатдаги топшириқни бажармоқда.
В. Лейн фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тинчлик имзолари

Стокгольм Мурожаатига якдиллик блан қўл қўйган республикамиз меҳнаткашлари бутун дун'ёда тинчликнинг байроқдори бўлган улуғ социалистик Ватанимизнинг куч-қудратини янада ошириш йўлида тинмай фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Республикамизнинг бепоён пахта далаларида юқори ҳосил етиштириш учун кураш, завод ва фабрикаларда эса кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш учун стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлаш қизғин давом этмоқда.

Редакциямизга тинмай келаётган хабарлар республикамиз меҳнаткашлари меҳнат соҳасида янгидан-янги ғалабаларни қўлга киргизаётганларидан дарак беради.

Мухбир **А. Бобожонов** Хоразм областининг Хева районидан хабар беради. Районнинг Сталин қишлоқ советидаги «VII Партс'езд» колхозининг а'золари Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Домий Комитетининг Мурожаатига қўл қўйганларида, ғўза қатор ораларида агротехника асосида юқори сифатли ишлашни кучайтириш, ғўзаларни қўшимча озиқлантириш, суғориш, культивация қилиш каби мажбуриятни олган, звено ва бригадалар ўртасида ўзаро мусобақа боғланган эдилар.

Олинган мажбурият ва мусобақа асосида ишлаш натижасида колхознинг пахта далаларида мўл ҳосил етиштирилмоқда. 80 ёшли кекса пахтакор Матконбобо Нурматов бошлиқ бўлган звеконинг а'золари ҳар гектар ердан 80 центнердан ҳосил топшириш учун стахановча тинчлик вахтасида ишлаб, ҳозир ғўзаларини 6-нчи ишловдан чиқардилар. Ҳозир ҳар туп ғўзада 15 —17 тадан кўсак бор. Шу звено блан мусобақадош бўлган Қутлибобо Исмоилов бошлиқ бўлган звено а'золари ҳам ҳар гектар ердан 90 центнердан ҳосил етиштириш учун ғўза қатор ораларида тинмай ишламоқдалар.

Мухбирлардан **А. Қамбаров** ва **Н. Мамат** ўртоқлар Андижон областининг Сталин районидан ёзадилар. Стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлаётган ҳунармандчилик кооперациясига қарашли корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари аҳолини сифатли ва арзон кенг истеъмол моллари блан та'минлашда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Корхоналардаги ишчиларнинг ҳаммаси кунлик топшириқни бирнеча ҳисса ошириб бажармоқда.

Наманғандан мухбир **У. Кенжаев**, Уйчи районидан мухбир **М. Мусаев** ҳам ўз районларидаги колхозларда, ишлабчиқариш корхоналарида ишлаётган колхозчи ва ишчилар стахановча тинчлик вахтасида туриб, фидокорона меҳнат қилаётганларини ёзадилар.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ ШАРАФИГА

БЕШЙИЛЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРИЛДИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли ғаар жабдуқ фабрикасининг коллективи халқлар доҳиси ўртоқ Сталиннинг 1946 йилда сайловолди йиғилишида сўзлаган нутқидан илҳомланиб, урушдан кейинги сталинча бешйилликнинг дастлабки кунлариданоқ бешйилликни муддатидан олдин бажариш учун курашга отланди.

Фабрика коллективи Бутун Иттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, бешйиллик планни муддатидан олдин бажарди ва 1950 йил планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 33 йиллигигача бажариш мажбуриятини олди.

Б. ПАРФЕНОВ.

РЕМОНТЧИЛАРНИНГ ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИ

Ленинск мотор-ремонт заводининг коллективи Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси шарафига бошланган социалистик мусобақани кучайтириб, етти ойлик планни ялпи маҳсулот бўйича 108 процент, товар маҳсулоти бўйича 112 процент бажарди.

Ўртоқ П. А. Пермяков бошчилигидаги реставрация цехининг ишчилари айниқса яхши натижаларга эришдилар. Цех етти ойлик планни 180 процент бажарди.

Бу цехда иш қат'ий график асосида олиб борилмоқда. Цех бошлиғи Пермяков стахановча жадал иш усулларини жорий этишда бошқаларга намуна бўлмоқда. У, йил бошидан буён егитта рационализаторлик таклифи киритди, булардан олтитаси ишлабчиқаришга татбиқ этилиб, меҳнат унумини анча оширишга ёрдам берди.

Тажрибакор ишчи, механика цехининг темирчиси М. К. Поляков шу заводда 10 йилдан буён ишлайди. У, бешйиллик планини аллақачон бажариб, ҳозир 1951 йил ҳисобига ишламоқда. У етти ойлик топшириқни 425 процент бажарди.

Ўртоқ Поляков техникани такомиллаштириш устида ҳам қунт блан ишламоқда. Унинг тиркаш муфталари дастаги учун пружиналар тайёрлаш ҳақидаги таклифи татбиқ қилиниши натижасида меҳнат унуми 2 марта ошди ва маҳсулотнинг сифати анча яхшиланди.

Механика цехининг токари комсомол а'зоси Тошпўлат Жўраев етти ойлик планини 203 процент адо этди ҳамда нуқул а'ло ва яхши сифатли маҳсулот ишлаб чиқарди. Тошпўлатов блан мусобақадош комсомол а'зоси токарь Ершова ҳам топшириқни 150 — 160 процентга етказиб бажармоқда.

Ленинск мотор-ремонт заводининг коллективи стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлаб, тинчлик ишига, Ватанимизнинг қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

В. ГОНЧАРОВ.

Юксак ғоявийлик ва сан'аткорлик учун!

Бундан тўрт йил илгари ВКП(б) Марказий Комитети ўртоқ И. В. Сталиннинг ташаббуси блан «Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақида» қарор қабул қилди. Бу қарор совет адабиётининг ривожланишида ва бутун мафкуравий ишнинг юксак даражага кўтарилишида ғоят катта роль ўйнади. Коммунистлар партияси адабиётнинг большевистик ғоявийлиги учун, юксак бадиий сан'аткорлик учун кураш вазифаларини белгилаб берди.

«Дун'ёда энг илғор адабиёт бўлган совет адабиётининг кучи шундаки, — дейилади ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорида, — **бу адабиётнинг халқ манфаатларидан, давлат манфаатларидан бошқа манфаатлари йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас».** ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорида совет адабиётининг олижаноб вазифаси белгилаб берилди. Бу вазифа ёшларни тўғри тарбиялашда давлатга ёрдам беришдан, ёшларнинг талабларига жавоб беришдан, янги авлодни ўз ишига ишонадиган, йўлда учрайдиган тўсиқлардан қўрқмайдиган, ҳарқандай тўсиқларни енгаоладиган, тетик кишилар қилиб тарбиялашдан иборат. Ёзувчилар маслаксизлик ва ғоясизликка қарши кескин кураш олиб боришга, ижодий ишни янада муваффақиятлироқ ривожлантириш ва оғишмай олға қараб бориш учун ўз муҳитларида танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришга да'ват этилган эдилар.

ВКП(б) Марказий Комитетининг тарихий қарори э'лон қилинган вақтдан буён ўтган даврда совет адабиёти ғоят юксалди, партиянинг йўл кўрсатуви раҳбарлиги ва кундалик ғамхўрлиги туфайли шундай катта юксалишга эришилди. Мана шу давр ичида совет ёзувчиларининг юздан ортиқ машҳур асарлари учун Сталин мукофотлари берилди.

Совет замонамиз, коммунизм бинокорлари бўлган совет кишиларининг тинч ижодий меҳнати ёзувчилар ижодиётида бош тема бўлиб қолди. Адабиёт шу кунларимизнинг қаҳрамонларини — совет кишисининг энг яхши фазилатларига эга бўлган илғор меҳнаткашларни, новаторларни тасвирлаб бермоқда. Ёзувчилар воқиаларни ҳаққоний тасвирлаб, бизнинг кишиларимиз бутун мамлакат блан биргаликда мислсиз сур'ат блан ўсаётганликларини, уларнинг умид-орзулари, қаҳрамонлик ишлари чуқур ғоявийлик блан сугорилганлигини, коммунизмнинг аниқ қуртаклари совет кишисининг ҳаётида яшнайбошлаётганлигини ўз асарларида кўрсатмоқдалар.

Совет ёзувчилари социалистик реализм методига амал қилиб, воқи'лигимизни э'тибор блан ўрганиб, тараққиётимиз жараёнларининг моҳиятига чуқурроқ тушунишга ҳаракат қилиб, совет жамияти ҳаётидаги янги нарсаларни очиб бериб ва уларни мустаҳкамлаб, кишилар онгидаги ўтмиш сарқитларига қарши курашиб, ҳалқни тарбиялашда ва халқни ғоявий жиҳатдан қуроллантиришда большевиклар партиясига ёрдам бермоқдалар.

Совет кишилари коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида, улуғ Сталиннинг доно етакчилигида курашмоқдалар ва ғалаба қилмоқдалар. Совет кишилари Ленин — Сталиннинг ғоялари руҳида, большевиклар партиясининг халққа фидокорона хизмат қилишидан намуна олиб, тарбияланмоқдалар. Большевикларнинг турмушдаги ишлари ва адабиётдаги образлари миллион-миллион кишилар учун илҳомбахш намунадир, миллион-миллион кишилар уларга тақлид қилмоқдалар, чунки большевиклар совет халқидаги энг яхши фазилатларнинг тимсоли мужассамидир.

Совет адабиёти бутун дунёда тинчлик учун фидокорлик блан астойдил курашмоқда. Барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари халқимиз ҳаёти ҳақида ёзилган китоблардан тинчлик ва озодликнинг энг юксак идеалларини, тинчлик, демократия, социализм ишининг тантанасига бўлган ишончни уқиб олмоқдалар. Совет адабиёти янги уруш оловини ёқучи империалистларни, халқларнинг озодлиги ва бахт-саодатига қарши фитна уюштираётган кишиларни шарманда қилмоқда, уларнинг капитал мамлакатларидаги агентлари ва малайларини фош қилиб ташламоқда.

Буржуа адабиёти эндиликда Уолл-стрит ва Сити империалистларига хизмат қилмоқда, ўз ҳўжайинларининг буйруқларини малайлараа бажармоқда. Совет адабиёти сулҳпарвар халқларнинг манфаатларини содиқ туриб қўриқламоқда, инсоният бахт-саодати йўлида, коммунизм тантанаси йўлида қилинаётган тинч, ижодий меҳнатни тараннум этмоқда.

Кейинги йилларда совет ёзувчиларининг қаторлари янги ёш кучлар блан тўлди. Қардош халқларнинг адабиёти мустаҳкамланмоқда ва ривожланмоқда. Бу адабиёт ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг буюк муваффақиятларидан, шаклан миллий, мазмунан социалистик совет маданиятининг гуллаб-яшнаётганидан далолат бермоқда.

Адабиётимизнинг муваффақиятлари катта ва равшандир. Лекин бу муваффақиятлар хотиржам бўлиб қолиш учун асос бўлолмайди. Адабиётда ва адабий танқидчиликда ҳали ҳам жиддий камчиликлар бор, ҳали ҳам кўп муҳим масалалар ҳал этилмаган.

Завод ва фабрикаларимизнинг кишилари ҳақида, Совет мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи ва унинг урушдан кейинги даврдаги меҳнати ҳақида ҳали яхши асарлар кам. Ба'зи ёзувчилар ҳали ҳам турмушни етарли ўрганмаётирлар. Ҳали ҳам қаттиқ адолатли танқидга учрайдиган айрим асарлар пайдо бўлмоқда. В. Катаевнинг «Советлар ҳокимияти учун» номли романида большевикларнинг образи, немис фашист босқинчиларга қарши олиб борилган яширин курашда партия ташкилотининг раҳбарлик роли бузиб кўрсатилган. В. Каверинниг «Очиқ китоб», Ю. Германнинг «Медицина ҳизмати подполковниги» асарларида адабиётбозлика интилиш, ижодда турмуш воқи'лигидан узилиб қолиш ҳоллари кўринди. Бошқа асарларда эса шошма-шошарликка йўл қўйилди, бу шошма-шошарлик авторларга ўзлари тасвирламоқчи бўлган одамларнинг иши ва турмушини яхши билишга, қунт блан ўрганишга халал берди.

Адабий танқидчилик шу вақтга қадар қолоқ соҳа бўлиб келмоқда. Кўп танқидчилар турмушни яхши билмайдилар, назарий жиҳатдан етарли билимга эга эмаслар, барча янги, илғор нарсаларни топиб, дадил қувватлаяолмайдилар, совет адабиётига ёт бўлган қолоқ, чиркин нарсаларни фош қилолмайдилар, асарларнинг бадиий жиҳатини чуқур таҳлил этолмайдилар, ёзувчиларнинг тажрибаларини умумлаштириб, уларнинг фаолиятини ўз олдиларига партия томонидан, халқ томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга йўналтиролмайдилар. Адабий танқидчилик ба'зан зарарли асарларни кўкка кўтариб мақтади, социалистик реализмга қарши уринишларни ва бадиий адабиётни таҳлил қилишда РАПП тарафдорларининг нотўғри хатти-ҳаракатларини ўз вақтида фош қилиб ташламади. Бу эса танқидчилигимизнинг кейинда қолаётганлигини кўрсатади.

Совет ёзувчилари союзи, «Литературная газета», адабий-бадиий журналлар танқидчиларни яхши уюштиролмаётирлар. Ёзувчилар союзининг босма органлари ҳали ҳам принципиал, ижодий, адабий танқиднинг минбари бўлолганлари йўқ. Ёзувчилар союзи иттифоқчи республикаларда адабий танқидчиларни тарбиялашга кам э'тибор беряпти. Соғлом, принципиал танқид ўрнига ошна-оғайнигарчилик муносабатларига йўл қўйиш фактлари ҳамон учрамоқда.

Совет адабиёти олдида турган вазифалар ғоят буюкдир. Ёзувчилар партиянинг ғамхўрлигига, унинг адабиётни ривожлантириш масалалари ҳақидаги доимий э'тиборига ўз ижодий меҳнатлари блан жавоб беришлари керак.

Фан ва маданиятимизнинг ривожланиши ҳамда гуллаб-яшнаши ҳақидаги оталарча ғамхўрлик ўртоқ Сталиннинг тилшунослик масалаларига доир ёзган гениал асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ўртоқ Сталиннинг марксча-ленинча фанга буюк ҳисса бўлиб қўшилган асарлари фан, адабиёт, сан'ат арбобларини, барча совет кишиларини янги ижодий муваффақиятлар учун курашга илҳомлантирмоқда.

Ёзувчиларимизнинг ижодиётида чуқур ғоявийлик блан бадиий сан'аткорлик ўртасида табиий бирлик ва уйғунликка эришиш ҳақида, ёзувчиларига совет жамиятининг ҳаётини ҳаққоний кўрсатиб берадиган нодир асарлар яратишлари ҳақида, чала ишланган асарлар, шошма-шошарлик блан ёзилган китоблар пайдо бўлмаслиги ҳақида партия ғоят катта ғамхўрлик қилмоқда...

Совет адабиёти дун'ёдаги энг илғор, энг ғоявий адабиётдир. Совет адабиётининг ғоявийлиги ва юксак бадиий маҳорати халқ демократияси мамлакатларининг адабиёти учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда, унга тараққиёт йўлларини кўрсатиб бермоқда, капиталистик мамлакатлардаги илғор ёзувчиларнинг ижодиётига та'сир кўрсатиб, уларнинг ижодиётини йўналтирмоқда. Совет адабиёти бутун дун'ёдаги миллион-миллион китобхонларга совет халқининг ҳаёти ва кураши ҳақида, тинч, бахтли, озод ҳаёт қуришда совет халқи эришаётган ғалабалар ҳақида ҳақиқат сўзларини етказмоқда.

Совет адабиётининг ривожланиши ёзувчиларимиз олдига воқи'ликни ва унинг революцион тараққиётини ҳаққоний, тарихий жиҳатдан конкрет тасвирлаб бериш учун турмушни янада чуқурроқ ўрганиш вазифасини қўяди.

Ёзувчилар, адабий танқидчилар, адабиётчиларнинг ижодий ташкилотлари, газета ва журналларнинг редакциялари **большевикча танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳартомонлама ривожлантиришлари керак, чунки бусиз олға ҳаракат қилиш мумкин эмас.** Ёзувчилар ва адабий танқидчилар олдида адабиётда большевистик ғоявийлик учун, бадиий моҳирликни янада юксак даражага кўтариш учун оғишмай курашишдан иборат ғоят муҳим вазифа турипти.

Совет адабиёти одамларимизни ҳаётбахш совет ватанпарварлиги руҳида, халқларнинг сталинча дўстлиги руҳида тарбиялашга, тескарични буржуа маданияти олдида ҳарқандай ҳушомадгўйликнинг кўринишларига аёвсиз зарба беришга, уруш оловини ёқучи империалистларни фош қилишга, бутун дун'ёда тинчлик учун кураш байроғини юксак кўтариб боришга да'ват этилгандир.

Совет ёзувчиси ўз талантининг бутун кучини халқ ишига бағишлайди. Киши руҳининг инженери бўлган ёзувчи учун халққа ижод қилишдан, коммунизмчилик активи бинокорларини тарбиялашда большевикча партиясига, Совет давлатига ўз ижодиёти блан ёрдам беришдан ҳам шарафлироқ вазифа йўқдир.

(«ПРАВДА»нинг 14 августдаги бошмақоласи).

Марксизм-ленинизм базис ва устқурма ҳақида

(Ўртоқ Сталиннинг «Тилшуносликдаги марксизм ҳақида» асари э'лон қилиниши муносабати блан)

Замонамизнинг буюк мутафаккири доҳимиз И. В. Сталиннинг «Тилшуносликдаги марксизм ҳақида» номли асарининг э'лон этилиши марксизм-ленинизм улуғ хазинасини бойитиш ва юксак даражага кўтариш, янада ривожлантиришда бениҳоя зўр аҳамиятга эга. Бу улуғвор асарда фақат тилшунослик фанигагина эмас, балки тарихий материализм, фалсафа, сиёсий иқтисод, ҳуқуқ ва шунинг сингари ижтимоий фанларга ҳам оид ажойиб фикрлар баён этилган.

И. В. Сталин томонидан доҳиёна ёритилган базис ва устқурма ҳақидаги масала асарда алоҳида ўрин тутади. Чунки базис ва устқурма ҳақидаги масала жамиятнинг иқтисодий тузуми ва унинг характери, давлат ҳокимияти ва унинг тарихий типлари ҳамда шакллари, шунингдек ҳуқуқ системалари ва мафкуравий (сиёсий, фалсафий, бадиий ва диний) қарашлари ҳақидаги масалаларни—тарихий материализмнинг асосий масалаларини ўз ичига олади.

Базис ва устқурма ҳақидаги масала инсоният тарихида биринчи марта Маркс ва Энгельс томонидан илмий равишда ишлаб чиқилган ва улуғ мутафаккирларнинг дун'ёга материалистик қарашларини баён этган эди.

К. Маркс ўзининг кўп йиллик меҳнат самаралари ва фан оламида қилган буюк ўзгаришларини «Сиёсий иқтисоднинг танқидига оид» номли машҳур асарнинг тарихий «сўз бошида» қуйидагича тасвир этади: «Бундан сўнгги барча текширишларимга раҳбарий асос бўлган ва қайсики, мен келган умумий хулосани қисқача шундай деб ифодалаш мумкин: Кишилар ўзларининг ижтимоий ишлабчиқариш ҳаётида ўз ихтиёрларига боғлиқ бўлмаган муайян, зарурий муносабатларга—ишлабчиқариш муносабатларига киришадилар, бу муносабатлар эса моддий ишлабчиқариш кучлари тараққиётининг муайян босқичига мувофиқ бўлади. Бу ишлабчиқариш муносабатларининг йиғиндиси жамиятнинг иқтисодий тузуми, реал базисни ташкил этади, ҳуқуқий ва сиёсий устқурма эса ана шу реал базис устига қурилади ва ижтимоий онгнинг муайян шакллари ҳам шу базисга мувофиқ бўлади». (К. Маркс, Сайланма асарлар, I том, 269 бет).

В. И. Ленин Маркс ижод этган ана шу улуғ та'лимотга—тарихга материалистик асосда қарашга жуда ҳам юксак баҳо бериб, «... Материализмнинг бу ғояси социологияда гениал ғоя эди» деб ёзди. (В. И. Ленин, Асарлар, I том, 121 бет).

Марксга қадар бўлган файласуфлар, тарихчилар ва ҳуқуқшунослар жамият тарихини ривожлантиручи асосий омил, ҳаёт учун зарур бўлган нарсаларни, я'ни озиқ овқат, кийим-кечак, пойафзал, ёқилғи, тураржой ва шунга ўхшашларни ишлаб чиқариш ҳамда ишлабчиқариш усули эканлигини инкор этиб келдилар. Улар жамият тараққиётини кўпинча илоҳий кучнинг «қудрати» ва ёки эпчил подшоларнинг «фаолиятига» боғлаб келдилар.

Ф. Энгельс буржуа социологларига ва уларнинг илмга қарши «назария»ларига қақшатғич зарба берди ва «... Тарихни материалистик асосда тушунишга кўра тарихий процессда провардида белгилаб беручи омил ҳақиқий турмушни ишлабчиқариш ва қайта ишлабчиқаришдир» деб ёзди. (Маркс—Энгельс, Асарлар, XXVIII том, 244—245 бетлар).

Шундай экан, Маркс ва Энгельс инсоният турмушида ва жамият ҳаётида иқтисодий шароит ва уни мавжуд этадиган турмуш учун зарур бўлган нарсаларни ишлаб чиқариш ва ана шу ишлабчиқаришнинг усулини биринчи даражада ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлган омиллар қаторига қўйиб, жамиятнинг қиёфасини, ижтимоий тузумнинг характерини, жамиятнинг ривожланиб, бир тузумдан-иккинчи тузумга ўтишини белгилайдиган асосий куч деб танидилар.

Ҳарбир жамиятнинг ўзига хос устқурмаси—давлат ҳокимияти, ҳуқуқий тартиботлари ва мафкуравий қарашлари бўлади. Устқурма жамиятнинг муайян тараққиёт босқичида мавжуд бўлган иқтисодий тузум—базиснинг маҳсулидир. Ана шунинг учун ҳам К. Маркс «Менинг текширишларим шундай хулосага олиб келдики, ҳуқуқий муносабатлар, давлатнинг шакллари сингари ўз-ўзидан, ёки инсон руҳининг умумий тараққиёти деб айтилучи нарсадан тушунилиши мумкин эмас, аксинча, улар моддий ҳаёт шароитларига асосланади», деб ёзган эди (К. Маркс, Сайланма асарлар, I том, 269 бет).

Шундай экан, марксизм-ленинизм классикларининг та'лимотига асосан, устқурмани базис вужудга келтиради ва жамиятнинг иқтисодий тузуми қандай бўлса, унинг сиёсий ҳокимияти ва ҳуқуқ системалари ҳам шунга мос бўлади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг иқтисодий тузумида бўлган ўзгаришлар сиёсий ҳокимият ва ҳуқуқ системаларини ўзгаришига сабабчи бўлади. И. В. Сталин айтганидек, «агар базис ўзгарса ва тугаса, унинг кетидан унинг устқурмаси ҳам ўзгаради ва тугайди, агар янги базис пайдо бўлса, унинг кетидан шунга мувофиқ келадиган устқурма ҳам пайдо бўлади».

Марксизм-ленинизм классикларининг ана шу та'лимотидан базиснинг жамиятининг иқтисодий-ижтимоий тузумини белгиловчи асосий омил эканлиги кўриниб туради. Аммо бундан ҳамма нарсани иқтисодий шароит ҳал қилади, устқурма эса базисга ҳечқандай та'сир қилаолмайди деган хулосага келиш хато бўлур эди. Ф. Энгельс 1890 йил 27 октябрьда К. Шмидтга ёзган мактубида давлат ҳокимиятининг жамият иқтисодий тараққиётига зўр та'сир этабилиш ва жамиятни ривожланиш ва ёки тушкунликка учрашига сабабчи бўлишини кўрсатиб берган эди.

И. В. Сталин Ф. Энгельснинг ана шу фикрларини ривожлантириб: «Устқурмани базис вужудга келтиради, лекин бундан, устқурма базисни фақат акс этдиради, устқурма пассив, бетараф бўлиб қолади, ўз базисининг тақдирига, синфлар тақдирига, тузум характерига бефарқ қарайди деган ма'но асло келиб чиқмайди. Аксинча, устқурма дун'ёга келгандан кейин ғоят катта актив кучга айланади, ўз базисининг расмийлашишига ва мустаҳкамланишига актив суратда ёрдам беради, янги тузумнинг эски базисни ва эски синфларни батамом йўқ қилиб, тугатиб юборишига ёрдам бериш учун ҳамма чораларни кўради» деб ёзди.

Шу нуқтаий назардан ҳарбир даврнинг ижтимоий-сиёсий тузумига қисқача тўхтаб ўтайлик. Инсонлар бир-бирларига душман синфларга бўлиниши натижасида пайдо бўлган қулчилик жамиятида мамлакатнинг иқтисодий бойлиги ва кўпчиликнинг ташкил этучи эзилган халқлар—қулларнинг тақдири озчилик қул эгалари ихтиёрида эди. Шу сабабдан бу даврнинг давлати ҳам бир гуруҳ эксплоататорлар—қул эгаларининг, кўпчилик эксплоатация қилинучи қуллар устидан ҳукмронлигини амалга ошириш учун хизмат қиладиган машина эди. Қул эгалари давлатининг шакли хилма-хил бўлган бўлсада, аммо қулчилик ҳукмронлик қилган барча мамлакатларда унинг синфий моҳияти бирхил бўлиб, «қул эгаларининг давлати—қулдорлар қўлига қулларни идора этиш учун ҳокимият ва имконият беручи аппарат эди». (В. И. Ленин, Асарлар, XXIV том, 369 бет).

Қулчилик даврининг ҳуқуқи ҳам ҳоким синф бўлган қулдорлар иродасини ифода этар эди. Қуллар тамомила ҳуқуқсиз бўлиб, мол (аш'ё) қаторида ҳисобланар эдилар. Шунинг учун ҳам хўжайин ўз қулини жазолашгагина эмас, балки уни ўлдиришга ҳам ҳақли эди.

Феодализм жамиятига келайлик. Ўрта асрларни ўз ичига олган бу даврнинг иқтисодий тузуми (базиси) ерга нисбатан бўлган эгаликка қараб белгиланар эди. Жамиятнинг асосий бойлигини ташкил этучи мулк-ер эса бир гуруҳ феодаллар қўлига тўпланган, кўпчиликни ташкил этучи меҳнаткаш халқ оммаси улар қўлида эзилучи крепостной деҳқонлардан иборат эди. Шунга кўра, крепостнойлик даврининг устқурмасини ташкил этучи феодализм давлати ва ҳуқуқи ана шу иқтисодий-ижтимоий тузумни—помешчиклар ҳукмронлиги ва муштумзўрлик ҳуқуқини ўзида тўла акс этдирар эди.

Шунинг учун ҳам В. И. Ленин: «помешчик ўз ҳукмронлигини қўлда тутиб туриш ва ҳокимиятини сақлаб қолиш учун аппаратга эга бўлмоғи керак эдики, бу унга кўпчилик оммани уюштириш ва итоат этдириш, уларни ма'лум қонун ва қоидаларга бўйсундириш учун керак эди ва у қонунларнинг ҳаммаси бир нарсага—помешчикнинг крепостной деҳқонлар устидан ҳокимиятини ушлаб туришга қаратилган эди» (В. И. Ленин, XXIV том, 372 бет) деб ёзган эди.

Феодализм битирилиб, унинг сиёсий ҳокимияти ва ҳуқуқий системаси йўқотилгандан сўнг, унинг ўрнига буржуа жамияти пайдо бўлди. Бу жамиятнинг иқтисодий асоси (базаси)ни эса хусусий мулк ва ёлланма меҳнат ташкил этди. Жамиятнинг бутун иқтисодий бойлиги озчиликни ташкил этучи бир ҳовуч капиталистлар қўлида тўпланиб, ишлабчиқариш қурол ва воситаларидан маҳрум бўлган ишчилар синфи эса буржуа синфи томонидан беҳад эксплоатация қилинади.

Капиталистик тузумни ўзида тўла акс этдиручи унинг устқурмаси—буржуа давлати ва ҳуқуқи эса ҳозирги кунда миллиардерлар — Уолл-стрит корчалонлари ва бошқа империалистларнинг ёвуз мақсадларини амалга ошириш, демократия ва социализмга қарши кураш, дун'ё халқларининг тинч ва озод ҳаётига чангал солиш ва шу сингари ёвуз ниятларини амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Империализм лагерига бошчилик қилаётган Америка Қўшма Штатларида ва маршаллаштирилган барча буржуа давлатларида демократия бутунлай оёқости қилинмоқда, парламентаризм ва умумий сайлов ҳуқуқи топталмоқда. Ана шунинг учун ҳам И. В. Сталин империалистик давлатларнинг ҳақиқий қиёфасини ошкора қилиб, «буржуа демократияси мамлакати бўлган Францияда депутатларни бутун халқ сайлайди, министрларни эса Леон банки белгилайди. Америкада сайловлар умумий, аммо ҳокимият тепасида миллиардер Рокфеллер қўйган одамлар туради», деб ёзган эди. (И. В. Сталин, Асарлар III том, 36 бет).

Буржуа давлатларида мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини парламент—«халқ вакиллари» эмас, балки молия капиталининг энг йирик корчалонлари—бир гуруҳ империалистлар ҳал қилиб келмоқда. Босқинчилик нияти блан қурия халқининг мустақиллигига қарши америка империалистлари томонидан бошланган уруш, тинч аҳолини ўққа тутиш, ўнлаб шаҳар ва қишлоқларни хонавайрон этиш ва у ерда қилинаётган ваҳшийликлар эса америка империалистларининг ҳаддан ошганлигини ва инсоният олдида ҳарқандай мудҳиш жиноятларни қилишдан бош тортмасликларини, улар ниҳоят даражада тубанликка юз ўгирганлигини кўрсатади.

Буржуа экономикасини ва унинг давлат ҳокимиятини емириш натижасида вужудга келган социалистик базис ва устқурма тарихда мисли кўрилмаган янги типдаги ижтимоий-сиёсий тузумдир. Бу тузум Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида ҳокимият ишчилар синфи қўлига ўтгандан сўнг пайдо бўлди. Социалистик ижтимоий-сиёсий тузум эксплоататор жамиятларнинг базис ва устқурмасидан тубли равишда фарқ қилади. Чунки социалистик экономика эски базис—капиталистик хўжалик системаси бағрида вужудга келмасдан, балки уни бутунлай тугатиш, ишлабчиқариш қурол ва воситаларига нисбатан бўлган хусусий мулкчилик ва эксплоатацияни абадий йўқотиш натижасида пайдо бўлгандир.

Социалистик базисга қадар бўлган иқтисодий-ижтимоий тузум қулчилик, феодализм ва капитализм жамиятларидаги хўжалик системалари эса эски базис, эски экономика бағрида куртак чиқариб ва аста-секин ривожланиб деярлик тайёр шаклга эга бўлган ҳолда майдонга келгандир. Шунинг учун ҳам И. В. Сталин пролетариат революцияси блан буржуа революцияси ўртасидаги фарқ масалаларига тўхтаб, бу ерда социалистик экономиканинг янги турдаги экономика эканлиги ва унинг пролетариат революцияси ҳамда пролетариат диктатурасининг ғалаба қозониши натижасида майдонга келганлигини кўрсатиб ўтади.

И. В. Сталин ўзининг «Ленинизм масалаларига доир» номли тарихий асарида бундай деб ёзган эди:

«Буржуа революцияси одатда, очиқ революциядан аввал феодализм жамиятининг ичида ўсган ва етилган капиталистик укладнинг бирмунча тайёр шакллари мавжуд бўлган шароитда бошланади, ҳолбуки, пролетариат революцияси социалистик укладнинг тайёр шакллари бўлмаган ёки деярлик даражада оз бўлган шароитда бошланади». (И. В. Сталин, Асарлар, 8 том, 21 бет)

Шундай экан, социалистик базис ва хўжалик системаси мутлақо янгидан дун'ёга келган, эски базис ва хўжалик системасини тугатиш натижасида пайдо бўлган революцион базисдир. Чунки социалистик базис—эксплоататор синфларни тугатиш, жамиятнинг эзучи ва эзилучиларга бўлинишини битириш, кишини киши томонидан эксплоатация қилинишини йўқотиш ва умуман эксплоатацияни туғдиручи асосий сабаб—ишлабчиқариш қурол ва воситаларига нисбатан бўлган хусусий мулкчиликни битириш, ишлабчиқариш қурол ва воситаларини умумхалқ бойлигига айлантириш демакдир.

Мамлакатимизда хўжаликнинг капиталистик системаси ва ишлабчиқариш қурол ва воситаларига нисбатан хусусий мулкчилик тамомила битирилиб, социалистик мулк совет тузумининг иқтисодий негизга айланди.

Капиталистик хўжалик системасини таг-томири блан емириб ташлаб, унинг ўрнига янги социалистик экономикани барпо этишда сиёсий устқурма бўлган совет давлатининг роли бенихоя каттадир. Ана шунинг учун ҳам И. В. Сталин устқурманинг базисга—давлатнинг экономикага актив та'сир этиш қобилияти ҳақида тўхтаб, «буржуа революциясининг асосий вазифаси ҳокимиятни қўлга олиш ва уни мавжуд буржуа экономикасига мослаштиришдан иборат, ҳолбуки пролетариат революциясининг асосий вазифаси ҳокимиятни қўлга олиб, социалистик экономика қуришдан иборатдир», деб ёзган эди. (И. В. Сталин, Асарлар, 9 том, 21 бет).

Тарих ўртоқ Сталиннинг бу фикрлари тўғрилигини тасдиқлади. Революциядан илгариги Россияни ва унинг мустамлакаси бўлган Туркистон ўлкасини мисолга олайлик. Революциядан илгари Россия капиталистик давлатлар ичида энг орқада қолган қишлоқ хўжалик мамлакати эди. Туркистон ўлкаси эса Бухоро ва Хева хонликлари сингари қоронғу зулматидан қутилмаган бўлиб, капитализмга қадар бўлган иқтисодий-ижтимоий тузумни бошдан кечирар эдилар. Улуғ Октябрь революцияси натижасида мамлакатимизда янги типдаги давлат—совет давлатининг ўрнатилиши натижасида Россия дун'ёда энг қудратли индустриал мамлакатга айланди. Туркистон, Бухоро ва Хева меҳнаткашлари мустамлака зулмидан озод этилган ва ҳозирда совет Шарқида социализмнинг сўнмас маш'али бўлган Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ССРни ташкил этди. Биз улуғ рус халқининг ёрдами туфайли, феодализм қолоқлигидан нафратли капиталистик тузумни оёқ остида қолдириб, мамлакатимизда социалистик жамиятни барпо этдик ва барча совет халқлари блан биргаликда, коммунизм сари бормоқдамиз.

Ана шунинг учун ҳам И. В. Сталин совет давлатининг тарихий вазифалари ҳақида сўзлаб, ишчилар синфи ўз ҳокимиятидан социализмни ташкил қилмоқ учун фойдаланиши зарур деб кўрсатган эди. Бундан ташқари, ишчилар синфи совет давлатидан душман синфларнинг қаршилигини битириш ва улуғ социалистик Ватанимизни ташқи душманларнинг қуролли ҳужумидан сақлаб қолишни ташкил этиш учун ҳам фойдаланди. Ана шунинг учун ҳам И. В. Сталин: «пролетариат диктатурасининг ўз даврлари бор, ўзининг алоҳида шакллари, хилма-хил иш методлари бор. Гражданлик уруши даврида диктатуранинг зўрлик томони айниқса кўзга ташланиб туради. Лекин бундан гражданлик уруши даврида ҳечқандай қурилиш ишлари бўлмади, деган ма'но асло келиб чиқмайди. Гражданлик урушини қурилиш ишларисиз олиб бориш мумкин эмас. Социалистик қурилиш даврида, аксинча, диктатуранинг тинч, ташкилотчилик, маданий тадбирлари, революцион қонунчилик ва шунинг сингари ишлар айниқса кўзга ташланиб туради», деб ёзган эди. (И. В. Сталин Асарлар, 8 том, 31 бет).

Мамлакатимизда социализм ғалаба қозониб, эксплоататор синфлар узил-кесил тугатилганлиги, эксплоатация қилучи ва эксплоатация қилинучи синфларга бўлинишларнинг йўқ этилганлиги, эксплоатациянинг битирилганлиги ва социалистик иқтисодий тузумнинг батамом ўрнатилганлиги сабабли, жамиятимизнинг иқтисодий-ижтимоий тузумида юз берган ана шу ўзгаришлар асосида совет давлатининг вазифалари ҳам ўзгарди. Мамлакат ичкарисида ҳарбий йўл блан бостириш функцияси йўқ бўлиб, унинг ўрнига совет тузумининг иқтисодий асоси бўлган социалистик мулкни ўғрилардан, талон-торож қилучилардан сақлаш вазифаси келиб чиқди. Капиталистик қуршов сақланиб қолганлиги сабабли, Ватанимизни ташқи ҳужумдан ҳарбий йўл блан ҳимоя қилиш вазифаси, мамлакатимизга чет давлатлар томонидан юбориладиган жосуслар, қотиллар, зараркунандаларни тутиб олиш ва жазолаш вазифаси тамомила сақланди. Шу блан бирга, «Давлат органларининг хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбия ишларига оид функцияси сақланди ва тўла равишда ривожланди. Эндиликда давлатимизнинг мамлакат ичкарисида асосий вазифаси тинч йўсунда хўжалик—ташкилотчилик ва маданий-тарбия ишларини олиб боришдан иборат» (И. В. Сталин, «Ленинизм масалалари», XI нашр, 748 бет).

Совет давлати капиталистик қуршов шароитида яшамоқда. Америка—англия империалистлари ўзларининг агрессия ниятларини амалга ошириш ва янги уруш оловини ёқиш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Ана шунинг учун ҳам И. В. Сталин совет халқи олдига хўжалик ва маданиятни тинч йўл блан тараққий этдириш ва аста-секин коммунизмга ўтишни та'минлаш вазифасини қўйиш блан бирга, халқимиз озодлиги ва мустақиллиги, тинч ҳаёти ва фаровонлигининг гарови бўлган давлатимизнинг қуролли кучлари, разведка ва жазолаш органларини тобора мустаҳкамлаш вазифасини, бутун дун'ёда узоқ муддат давом этадиган тинчлик ва халқлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш вазифасини қўяди. Совет халқи улуғ доҳи томонидан қўйилган бу тарихий вазифани шараф блан бажаражак.

О. ЭШОНОВ.

Юридик фанлар доктори.

Дала шийпони — сиёсий ва маданий-оқартув ишларининг маркази

Ҳосилга ҳосил қўшиш учун қизғин кураш кунларида ва пахта йиғим-терими даврида дала шийпони қишлоқдаги сиёсий ва маданий-оқартув ишларининг марказидир.

Дала шийпонлари колхозчилар далада дам оладиган ва овқатланадиган жой бўлибгина қолмай, балки колхозчилар, тракторчилар ва совхоз ишчилари ўртасида сиёсий-оммавий ишлар олиб борадиган, меҳнатни тўғри уюштиришга ва иш унумини оширишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган марказ ҳисобланади.

Буларнинг ҳаммаси бригада а'золарини аҳил оила қилиб бирлаштиради, уларнинг бирдам, унумли ишлашига ёрдам беради. Шунинг учун барча колхозчилар белгиланган нормаларни тўла ва ошириб бажармоқдалар.

Сўнгги уч йил мобайнида Каганович номли колхоз пахта тайёрлаш давлат планини тўла бажариб, колхозчиларнинг меҳнат кунларига пул ва ғалла блан тўланадиган ҳақни икки баравар оширди.

Наманган область Наманган районидаги «Октябрь 14 йиллиги» колхозининг (партия ташкилотининг секретари ўртоқ Казаков) барча бригадаларида дала шийпонлари ташкил қилинган. Шийпонлар яхши жиҳозланган, унда радиоприёмниклар, патефонлар, зарур адабиётлар бор. Етарли миқдорда газета ва журналлар, «Фан тўғрисида суҳбатлар» келиб турипти. Дала шийпонларида кинокартиналар ҳам кўрсатилади, илмий-оммабоп темаларда суҳбатлар, лекция ва докладлар ўтказилади.

Агитаторларнинг ишига партия ташкилоти секретари бевосита раҳбарлик қилмоқда. У агитаторларга методик қўлланмалар бериб, уларнинг ғоявий-сиёсий савиясини юксалтириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Колхоздаги ҳамма коммунистлар агитация ишларига жалб қилинган. Улар бу йил сиёсий мактабда ўқишни муваффақиятли тамомладилар. Партия ташкилоти колхозчилар ўртасида олиб бориладиган сиёсий ишларга катта э'тибор бериб келмоқда.

Дала шийпонларида оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган бирқанча колхозларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Аммо республикамиз колхозларида дала шийпонларини жиҳозлаш, уларда оммавий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш масалаларига етарли э'тибор бермаётган кўпгина колхоз бошланғич партия ташкилотлари ҳам бор. Бирнеча колхозларда ва пахтачилик бригадаларида дала шийпонлари ташкил қилинмаган, ёки яхши жиҳозланмаган.

Ба'зи район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари дала шийпонлари учун агитаторлар танлаш ва биркитиб қўйиш ҳақида етарли ғамхўрлик қилмайдилар, бу муҳим ишга юзаки қарайдилар, агитаторларга амалий ёрдам бериб турмайдилар. Натижада далада колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида ҳечқандай сиёсий-тарбиявий ишлар олиб борилмаётир.

Фарғона областида энг йирик пахтакор районлардан бири ҳисобланган Куйбишев райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Шодиев)даги кўп колхозларда дала шийпонлари ҳали ҳам ташкил қилинмаган. Партия ташкилотлари бевосита колхозчилар ўртасида ҳечқандай иш олиб бормайдилар. Масалан, бу районнинг «Намуна» колхозида (бошланғич партия ташкилоти секретари ўртоқ Дадажонов) бригада дала шийпонлари ташкил қилинмаган. Колхозчилар ўртасида суҳбатлар ўтказилмайди, газеталар ўқиб берилмайди, агитаторлар яхши ишламайди. Бу колхозда илиб қўйилган бирорта шиор ва плакатларни кўрмайсиз. Газеталар йўқ. Лекция ва докладлар ўтказилмайди.

Демак бу колхознинг партия ташкилоти колхозчиларни хўжалик масалаларини муваффақиятли ҳал қилишга сафарбар қилишда синалган иш усулидан фойдаланмаётир. Худди шунинг учун «Намуна» колхозида интизом бўшашиб кетган, меҳнат яхши уюштирилмаган, кўпчилик колхозчилар иш нормасини бажармайдилар. Ғўза парвариши сифатсиз ва кечикиб ўтказилмоқда. Бу эса ҳосил тўплашга жиддий зарар еткизмоқда.

Бу райондаги Свердлов номли ва бошқа кўпгина колхозларда ҳам дала шийпонлари ташкил қилинмаган. Район партия комитети ва унинг секретари ўртоқ Шодиев буни билатуриб, индамай келадилар, райондаги ҳамма колхозларнинг дала бригадаларида шийпонлар ташкил қилиш ва уларда оммавий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш учун зарур чораларни кўрмайдилар.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бюроси «Колхозларда дала шийпонлари ташкил қилиш тадбирлари тўғрисида» деб яқинда чиқарган қарорида область ва район партия комитетларига дала шийпонларини жиҳозлаш ва уларда оммавий-сиёсий ва маданий ишларни йўлга қўйиш юзасидан бирқанча тадбирлар кўриш мажбуриятини юклади. Ҳамма дала бригадаларида дала шийпонлари дарҳол ташкил қилиниши, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва оммавий-сиёсий ҳамда маданий-оқартув ишлари олиб бориш учун ҳамма зарур нарсалар блан та'минланиши лозим.

Партия ташкилоти ҳарбир дала шийпонига оммавий-агитация ишларини олиб бориш учун икки-уч кишидан иборат агитатор биркитиши, ана шу агитаторлар ёрдами блан ҳар куни газеталар ўқиб турилиши, «Жанговар варақа»лар чиқарилиши, социалистик мусобақа натижалари ҳар куни тахтага ёзиб борилиши керак.

Дала шийпонларида район раҳбар ходимлари сиёсий докладлар қилишлари, лекциялар ўқилиши, бадний ҳаваскорлар тўгаракларининг чиқишларини уюштириши, кинофильмлар кўрсатилиши керак ва ҳоказо.

Илғор колхозларнинг оммавий-сиёсий ишларни йўлга қўйишдаги тажрибасини республикамиздаги барча колхозларга ёйиш зарур.

Ўзбекистон шароитида йилнинг кўп қисми дала ишлари блан ўтади. Колхозчилар ва совхоз ишчилари деярлик ҳаммавақт далада бўладилар. Ана шундай шароитда дала шийпонларини яхши жиҳозлаш, уларда оммавий-сиёсий ва маданий-маиший ишларни йўлга қўйиш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳамма партия ташкилотлари дала шийпонларига доим катта э'тибор беришлари керак.

А. САДОВСКИЙ.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети агитация ва пропаганда секторининг мудири.



Суратда: агитатор комсомол а'зоси **Шароф Муҳиддинов** дала шийпонида колхозчиларга газета ўқиб бермоқда.

Илғор колхоз ва совхозлардаги бошланғич партия ташкилотлари томонидан ортдирилган бой тажриба шуни кўрсатадики, яхши жиҳозланган, оммавий-сиёсий ишлар кенг йўлга қўйилган дала шийпонлари колхозчилар ва совхоз ишчиларининг аҳиллик блан унумли ишлашини, ҳарбир колхозчи ва совхоз ишчисининг иш нормасини бажаришини та'минлайди, бу колхоз ва совхозларнинг хўжалик ва маданий жиҳатдан ривожланишига ёрдам беради.

Андижон область, Ленин районидаги Каганович номли колхоз (партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ашуров)да 19 та дала бригадаси бор. Ҳарбир бригадада алоҳида дала шийпони ташкил қилинган. Шийпонлар яхши жиҳозланган, унда ҳартурли шиорлар, плакатлар, партия ва совет ҳукуматимиз раҳбарларининг портретлари бор.

Колхозчилар ўртасида агитация ва маданий-оқартув ишлари яхши олиб борилмоқда. Партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ашуров бошлиқ агитаторлар коллективи дала шийпонларида доим суҳбатлар ўтказади, газеталар ўқиб беради, «Жанговар варақа»лар чиқаради. Агитколлективда 21 агитатор бор. Дала шийпонларида социалистик мусобақанинг боришини кўрсатадиган кўргазмали тахталар, радиоприёмник, патефонлар, ҳархил музика асбоблари бор.

Кечқурун иш тамом бўлганидан кейин дала шийпонларида айниқса гавжум бўлади. Кўп колхозчилар ярим кечагача радио орқали музика, сўнгги ахборот эшитадилар, ёшлар ашула айтадилар, музика чаладилар, ҳархил ўйинлар ташкил қилдилар, ҳозирги сиёсий аҳвол ҳақида суҳбатлашадилар, ва ҳоказо.

Оммавий агитация ишлари кучайтирилди

Тошкентдаги Каганович номли паровоз-вагон ремонти заводининг партия комитети заводнинг цехларида оммавий агитация ишларини кучайтириб юборди. Цех, бўлим ва участкаларда агитаторлар ишчилар ўртасида суҳбат ва лекциялар ўтказмоқдалар. Кейинги 25 кун ичида агитаторлар цехларда турли темаларда 30 марта суҳбат ўтказдилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг лектори ўртоқ Блок, Йўллар министрлигининг инспектори Лашкевич, завод бош механиги Беляков ва бошқа ўртоқлар завод клубида ва цехларда «Халқаро аҳвол», «Совет Иттифоқи — Тинчлик таянчи», «СССР—қудратли темир йўл давлати» каби темаларда лекциялар ўқидилар.

Ҳозир завод цехларида 120 агитатор ишламоқда. Улар тушки танаффус вақтида ишчиларга газета ўқиб берадилар, суҳбатлар ўтказадилар ва ишчиларнинг саволларига жавоблар берадилар. Заводнинг пўлат қуйиш цехи партия ташкилоти айниқса яхши ишламоқда. Партия ташкилоти ҳисобидаги 17 коммунистнинг ҳаммаси агитатор ҳисобланади.

Гудок чалиниши блан бу ерга коммунист агитатор ўртоқ Зуев кириб келди. У суҳбатни бошлашдан олдин ишчилар блан бир йўла сўзлашиб чиқди. Улардан тушгача қилган ишларини сўраб олди. Ишчилар йиғилиб бўлгач, суҳбатни бошлади.

Ўртоқ Зуев ўз сўзида цехнинг июль ойи программасини ва август ойининг биринчи декада планини намунали бажаришда Тўлаганов, Мақсудхонов, Шодмонов, Умаров, Аюбхонова каби қолипчилар фидокорона меҳнат қилганликларини айтди ва ишдаги айрим камчиликларнинг туб сабабларини ҳам кўрсатиб ўтди. Сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси шарафига олинган мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги ҳақида сўзлаб, ишчиларни бундан ҳам яхшироқ ишлашга чақирди.

Заводнинг паровоз, вагон, темирчилик, чўян қуйиш каби цехларида ҳам агитаторлар худди шундай мазмунли суҳбат ўтказмоқдалар.

Заводдаги ишчилар қизил чойхонаси оммавий агитация марказига айланди. Бу ерда Тошкент шаҳар Советининг депутати, паровоз цехининг илғор токари ўртоқ Холмат Жамолов ҳар куни тушки дам олиш вақтида мазмунли суҳбатлар ўтказади.

Завод партия кабинети ҳузурида агитаторларнинг фаолиятини ошириш учун ҳар ойда икки марта семинар ўтказилиб, агитаторларга йўл-йўриқлар берилмоқда.

М. САИДОВ.

Ким Ир Сен солдатлари ҳақида қўшиқ

Ким Ир Сен солдатлари,
Ким Ир Сен солдатлари
Кеча-кундуз ғайрат-ла
Жадал босар илгари,
Юрагида ватанга
Оташ муҳаббати бор,
Унинг бахти йўлида
Улар содиқ, фидокор.
Соқол силаб, отанинг
«Болам-бўтам» дейиши,
Оналарнинг юракдан
Чуқур меҳр қўйиши,
Болаларнинг шўхлик-ла
Кийик каби сакраши,
Вафодор ма'шуқанинг
Жилмайиб ҳол сўраши,
Бутун катта-кичикнинг
Меҳнатда қимирлаши,
Осойишта ҳаётнинг
Роҳат ила ўтиши
Қайси ватанпарварнинг
Илҳомини қайнатмас,
Шу ҳаётни сақлашга
Ким кучини сарф этмас?!

Ким Ир Сен солдатлари,
Ким Ир Сен солдатлари,
Ҳарбирининг белида —
Азаматлик камари,
Юрагидан севади
Улғайтирган ватанин,
Мардона жангда улар
Урар ёвуз душманин!

Ким Ир Сен солдатлари,
Ким Ир Сен солдатлари,
Оёғини тошларда
Қайрар минган отлари,
Ватанида омонлик,
Озод ҳаёт бўлмаса,
Кундуз қуёш, тунда ой
Нурга тўлиб турмаса,
Сиқиштирса одимда
Узоқлардан келган ёв,
Эр деган кишиларнинг
Бўйинга солса бўғов,
Турармиди жимгина,
Эгармиди бўйинин,
Пуч ёнғоққа тўлдириб
Ватанининг қўйинин.
Йўқ, у қат'ий тупирди
Маккор душман юзига,
Зарба блан қайтарди
Уни эски изига.

Ким Ир Сен солдатлари
Ким Ир Сен солдатлари,
Олиб чиқар юртини
Ҳаёт сари, бахт сари!
Янкиларнинг калхати
Вонсан шаҳрин емирди
Бомба бола-чақанинг
Ҳаётини кемирди.
Пайхон бўлди далалар,
Ўтга тўлди хонадон.
Аччиқ тутун таралиб
Хираланди осмон . . .
Ким Ир Сен солдатлари,
Ким Ир Сен солдатлари,
Душманнинг йиртқичлиги
Кетмас кўзидан нари.
«Биз одил» деб жар солиб,
«Маданиймиз» деганлар,
Шундай қилиб тинч халққа
Тайёрлайди кафанлар.
Қурияннинг мард халқи
Жангга кирди отилиб.
Ҳеч қаёққа кетолмас
Душман энди қутилиб.
Ким Ир Сен солдатлари —
Юртнинг ишонган тоғи.
Озод бўлур у блан
Ўлка шаҳри, қишлоғи.
Бирлаштирар юртини,
Шудир яшаш услуби.
Онлага қўшилур
Мамлакатнинг жануби.
Ким Ир Сен солдатлари,
Ким Ир Сен солдатлари
Улуғ зафар йўлида
Жадал борар илгари!

Ориф ЮНУС.

Ғўзанинг сўнгги парваришини намунали ўтказиш блан пахта йиғим-теримига пухта тайёрланайлик!

☆ ☆

Ғўза парваришини кучайтириб, йиғим-теримга тайёрланилмоқда

Андижон область, Хўжаобод район, Хўжаобод қишлоқ советидаги «Октябрь» колхозининг 305 гектар ерида мўл ҳосил етилмоқда. Колхозчилар даладаги ҳосилни мўлжаллаб, ҳар гектардан 30 центнердан пахта топшириш тўғрисидаги йил бошида олган мажбуриятларини анча ошириб бажаришга қаттиқ ишонмоқдалар.

Колхозда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг барча пахтакорларга ёзган Мактуби муносабати блан ғўза парвариши яна кучайтирилди. Бригада ва звенолар Мактубга жавобан, август ойида ғўзани энг ками икки марта парвариш қилиш юзасидан ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар. Ўртоқ Аҳмаджон Содиқов бошлиқ бригада 31,5 гектар ерининг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта ҳосили бериш ҳақида янги мажбурият олди. Бу бригада ғўзасини 6 марта чопиқ ва 7 марта культивация қилди. Ғўза 4 марта қондириб суғорилиб, икки марта озиқлантирилди. Бригаданинг ҳар туп ғўзасида ҳозир ўрта ҳисобда 15 тадан етилган кўсак бор.

Ўртоқ Давлатбой Исоқов бошлиқ бригаданинг а'золари август ойининг дастлабки ўн куни ичида ғўза парваришини ҳарқачонгидан ҳам кучайтириб, 6 гектар ердаги бўйи паст, камҳосилли ғўзани яхши ғўзалар блан бараварлаштириб олдилар. Ўртоқ Фозилжон Мамажонов бошлиқ звено ғўзани парвариш қилишда ҳаммага намуна бўлмоқда. Бу звено а'золаридан Ҳалимахон Иброҳимова, Ҳ. Орипова ўртоқлар шу кунларда чопиқда икки—икки ярим норма бажараётирлар. Булар август ойи ичида 70 тадан меҳнат куни ишлаш мажбуриятини олдилар.

Колхознинг бошқа бригада ва звеноларида ҳам паст ғўзаларни яхши ғўзаларга тенглаштириб олиш ва ҳамма ерда мўл ҳосилни қўлга киритиш учун курашда катта натижаларга эришилаётир. 8-нчи бригаданинг Тўрабой Мадраҳимов, Абдуғафур Янгибоев ўртоқлар бошлиқ звенолари ҳашарот тушган ерлардаги ғўзаларни кейинги кунларда яхши парвариш қилиб, касалдан сақлаб қолдилар.

Яқинда колхозчиларнинг умумий мажлиси бўлди. Бу мажлисда август ойи ичида ҳарбир колхозчи камида 30—40 меҳнат куни ишлаши кераклиги айтилди ва пахта йиғим теримига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди. Шундан сўнг бешмингкилограммчилар йиғилиши ўтказилди. Теримчилар бу йилги мавсумда энг ками беш минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олдилар.

Ҳозир колхозда ғўза парвариши қизғин давом этмоқда ва пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари ҳам кучайтирилмоқда. Пахта ташиш учун 15 та янги арава сотиб олинди, 33 та эски арава ремонт қилинди. 40 от боқувга қўйилди. Бригада, звеноларда хирмон жойлари қилинмоқда

«Октябрь» колхозининг а'золари тайёргарлик ишларини тез кунда тугаллаб, 25 августда пахта теримига тушишни мўлжаллайдилар.

М. БОБОШ.



Тошкент область, Ўртачирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхознинг энг яхши суғоручиси Мелибой Эгамбердиев кундалик топшириқни ошиғи блан бажармоқда. **Суратда:** ўртоқ Эгамбердиев 2-нчи бригада ғўзаларига сув бермоқда.

И. Глауберзон фотоси.

Пахта йиғим-теримига тайёргарлик кучайтирилди

Фарғона область, Киров районидаги илғор «Коммунизм» колхозининг а'золари 666 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олган мажбуриятларини тўла бажариш учун ғўза парваришини агротехника қоидалари асосида намунали олиб бораётирлар. Колхознинг ҳамма ердаги ғўзаси 7 марта чопиқ ва 7 марта культивация қилинди, 3 марта маҳаллий ва минерал ўғит блан озиқлантирилди. Суғориш икки сменада ташкил қилиниб, фақат най усулида ўтказилмоқда.

Натижада, колхознинг барча ғўзалари тез авж олиб, серҳосил бўлиб етишмоқда. Ҳарбир туп ғўза 20—25 тагача кўсак олиб, етилган кўсаклар биринкетин очилабошлади.

Колхоз а'золари Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиб, август ойи ичида ғўзани яна икки марта парвариш қилиш ва яхши ўсмаган ғўзаларни яна бир марта озиқлантириш юзасидан олган мажбуриятларини бажармоқдалар.

Колхозчилар пахтанинг етилишига қараб, бу йил теримга барвақт киришишни мўлжалламоқдалар. Йиллик планни 7 ноябрьгача бажариш учун, улар йиғим-теримга тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордилар. 18 та арава, 3 та автомашина ремонт қилинди. 10 та четан, 200 та қоп-қанор ва кўп миқдорда этак тайёрланди. 12 та бригаданинг ҳаммасида дала хирмонлари ҳозирланмоқда. Йўл, кўприклар тузатилаётир.

Пахта теримига 380 киши ажратилди. Улар мавсумда 5—10 минг килограммдан пахта териш юзасидан мажбурият олдилар.

Қ. УЗОҚОВ.

Пахтани машина блан теришга яхши тайёргарлик кўрилмаётир

САМАРҚАНД. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Бу йил биринчи марта пахтани машина блан териш кенг миқ'ёсда амалга оширилади. Самарқанд областидаги МТС лар бу йил 25 минг гектар ердаги пахтани машина блан теришлари керак. Бу муҳим иш ҳартарафлама пухта тайёрлик кўрилгандагина муваффақиятли бажарилиши мумкин.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети «1950 йилда ҳосилни йиғиштириб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш тўғрисида»ги қарорида пахтаси машина блан териладиган далаларни ўз вақтида белгилаш, машинада ишлайдиган кадрларни олдиндан тайёрлаб қўйиш талаб қилинган эди. Лекин Самарқанд областида бу ишга яхши тайёрлик кўрилмаётир. Область пахтачилик бошқармасининг раҳбарлари (бошлиғи Абдуқодиров, бош инженер Пильберг ўртоқлар) пахта териш машиналарида ишлайдиган кадрларни тайёрлашга жуда мас'улиятсиз қараб келмоқдалар. Вақт ўтиб боришига қарамай, бу иш учун талаб қилинган кадрларнинг фақат учдан бир қисми тайёрланди, холос.

Область пахтачилик бошқармасининг бошлиғи, Самарқанддаги колхоз раҳбар кадрлари тайёрлаш ҳамда Каттақўрғондаги механизаторлар мактаби ҳузурида механик-ҳайдовчилар ва бригада механиклари тайёрлаш бир ойлик курси ташкил этиш ҳақида буйруқ берди. Бу буйруқда 1 августда машғулотлар бошланиши керак бўлган курсга бир кун муддат ичида 282 киши механик-ҳайдовчилик ҳамда 141 киши бригада механиклигига ўқишга юборилиши талаб қилинди. Броқ областьдаги кўпчилик МТС ларнинг директорлари буйруқни бажармадилар, пахта териш машиналарини ўрганиш курсига универсалчиларни юбормадилар. Орадан 5—6 кун ўтиб кетгандан кейингина курсга тракторчилар келабошлади. Ўқиш бошлангандан буён 10 кун ўтган бўлса ҳам, Каттақўрғондаги мактабга ўқучилар тўла равишда тўпланган эмас.

Иштиҳон районида бултур пахта териш вақтида одам кучи етишмаганлиги ҳаммага ма'лум. Бу районга ҳар йили Самарқанд шаҳридан ва бошқа районлардан теримчилар юборилади. Шундай бўлгани ҳолда, колхозчилар меҳнатини енгиллаштирадиган машина блан пахта теришга тайёрлик жуда ҳам қониқарсиз бормоқда. Бу районда 34 та машина ишлаши керак. Бу машиналарда ишлаш учун фақат учта механик ҳайдовчи тайёрланган, холос. МТС директори ўртоқ Бобоев Каттақўрғондаги курсга 31 киши ўрнига 6 киши юборган. Бу аҳвол район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Тўраевни ҳам сра ташвишлантирмайди.

Метон МТСининг директори ўртоқ Жўраев ҳам пахта териш машиналари учун кадрлар тайёрлаш ишига мас'улиятсиз қараб келмоқда. Бу МТС да 27 машинада ишлаш учун кадрлар бўлмагани ҳолда, курсга фақат 9 киши юборилган.

Ҳозиргача ўқишга етарли миқдорда универсалчиларни юбормаган Пойариқ районидаги 3-нчи МТС (директори ўртоқ Гаркалов), Иштиҳон районидаги 2-нчи МТС (директори ўртоқ Костромин), Пахтакор районидаги 1-нчи МТС (директори ўртоқ Акопиян) раҳбарлари машина блан пахта теришни қандай ўтказмоқчи эканлар?!

Бу районларнинг партия, совет ташкилотлари пахтани машина блан теришга тайёрлик кўришда жиддий камчиликларга йўл қўйилишига чидаб келмоқдалар.

Ғ. АШУРОВ.

Ширага қарши курашда кулдан фойдаланайлик

Куз яқинлашиши блан об-ҳаво ўзгариб, ҳаводаги намлик ошаберади ва ғўзани шира босиш хавфи кучаяди. Шира пахта ҳосилига катта зарар етказади. Шу сабабли ширага қарши кураш ҳозирги пайтда актуал масалалардан биридир. Ширага қарши курашда ҳозир ишлатилаётган заҳарли моддалардан ташқари, янги воситаларни излаб топиш ва ишга солиш ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Рўзғорда ўтин, ғўзапоя, янтоқ сингари ёқилғиларни ишлатишдан ҳосил бўлган ўсимлик кули ширага қарши курашда жуда яхши натижалар беради.

Ғўза бити шира таркибида 99,9 процентни сув ташкил этади. Кул эса намликни йўқотиш хусусиятига эга бўлиб, ғўза битининг нафас олиш органларини бекитади, шу блан битнинг нафас олиш, модда алмашиш ва шира ажратиш қобилиятини заифлаштиради.

Шунингдек, ўсимлик кули ҳам ғўза баргларининг намлигини камайтиради. Барглар дағаллашиб, ғўза битининг баргни ейиши қийинлашади.

Шундай қилиб, кул ғўза битига қарши курашда заҳарли модда ўрнида ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари, кулдан ўғит сифатида фойдаланиш ҳам яхши натижалар беради. Кул пахтанинг етилиши ва очилишини тезлаштиради. Шунингдек, ўсимлик кули блан чанглаш ғўза тупларида ва ғўза қаторларида микроклиматни ўзгартириб, микробларнинг кўпайиши учун ноқулай иқлим шароити туғдиради.

Кул блан чанглашни эрталаб ва кечқурун ғўза баргларига шудринг тушган пайтда ўтказиш айниқса яхши натижалар беради. Шира тушган ғўзаларни кундуз куни ҳам қўл аппаратлари блан чанглаш мумкин. Чунки кул ширали баргларга тез юқади. Ғўзани суғоргандан кейин ва суғориш пайтида баргларда кул айниқса яхши сақланади.

Август, сентябрь, октябрь ойларида ғўза бити ва ширага қарши курашиш учун ғўзаларни кул блан чанглашда аэропланлардан ва қўл аппаратларидан кенг фойдаланиш, шу блан пахта ҳосилини нобуд бўлишдан сақлаб қолиш зарур.

В. АВДЮШКИН.

Агроном-энтимолог.

Бир жиноятчининг оқланиш тарихи

Тошкент қишлоқ район партия ташкилотининг шу йил февраль ойида бўлиб ўтган конференцияси ўз-ўзини танқид асосида ўтди. Конференция делегатлари район партия ташкилотининг амалий ишидаги жиддий нуқсонларни юз-хотир қилмай, қаттиқ танқид қилдилар. Районда сиёсий тарбия ишларининг бўшлиги, кадрларни коммунистик руҳда тарбиялашга, хотин-қизлар ўртасида тарбия ишларига ва хотин-қизларни раҳбарлик ўринларига кўтаришга кам э'тибор берилаётгани ҳақидаги фактлар очиб ташланди. Шу блан бирга, хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлган, кўп хотин олиб, уларни хўрлаётган айрим кишиларга нисбатан муросасозлик қилиб келинганлиги айтилди.

Конференция делегати, Юсупов номли колхознинг раиси ўртоқ Мухторова ўз сўзида бўлиб ўтган бир фожиали воқиа тўғрисида гапириб, бундай деди:

— Хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча қараш ҳоллари колхоз раҳбарлари ўртасида ҳам бор. Менга колхозимизнинг актив хотин-қизларидан икки киши келиб, Сталин номли қўшни колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишлаган бир аёлнинг бошига тушган фожиани гапириб бердилар. У, туққал ва боласини ўлдирган. Шу жиноятн учун у жавобгарликка тортилган, лекин уни шу йўлга бошлаган колхоз раиси Ҳакимжон Аҳмаджонов жавобграликка тортилмаган. Аҳмаджонов конференцияга делегат бўлиб ҳам келган. Мен бу фожианинг текширилиши ва айбдорларга нисбатан қаттиқ чора кўрилишини сўрайман.

☆

1949 йилнинг март ойи. Колхоз бухгалтери Йўлдошевнинг уйида ташкил қилинган меҳмондорчиликда бригада бошлиғи З. Толипова ҳам бор. У ноилож ўтирипти. Толипова пайт топиб, кетиш учун кўчага чиқади. Бундан хабардор бўлган Аҳмаджонов унинг кетидан қолмасдан, ўзининг жиноий мақсадига эришиш учун ҳамма найрангни ишлатади, хотинни йўлдан оздиради. Толипованинг бошига тушган фожиа ана шу ердан бошланади.

Ҳакимжон Аҳмаджонов жамоат пули ҳисобига бойиб, маиший жиҳатдан бузилган шахс. У, хотин-қизларнинг жамиятда тутган муҳим ролини ҳаммавақт камситади, уларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлади. Аҳмаджонов совет қонунларини бузиб, уч хотинга уйланди. Хотини Инобат опани тўрт боласи блан жабрлади. Охирида, Толиповани йўлдан оздириб, уни шарманда қилди.

Тошкент қишлоқ район прокурори ўртоқ Нишонов Толиповани ўз боласини ўлдиргани учун жиноий жавобгарликка тортиб, ишни судга берди. Аммо бош айбдор Аҳмаджонов нима учундир қутқазиб қолинди. Халқ суди ишни қўлга олиши бланоқ, бу ишда Аҳмаджонов жиноятчи эканлигини аниқлади. Суд қайтадан тергов қилиб, Аҳмаджоновни ҳам жавобгарликка тортиш учун, ишни район прокурорига қайтарди.

Район прокукори ўртоқ Қ. Нишоновнинг кўнгли бу ишдан ранжиди. У, ишни тергов қилмай, «Ҳакимжон Аҳмаджоновнинг уч хотини борлигини аниқлаб бўлмайди, жинояти йўқ, суд нотўғри қайтарган» каби тутуриқсиз бахоналарни келтириб, қўшимча тергов олиб бормади. Ниҳоят, бу иш уч марта қўлдан-қўлга ўтди. Шунда ҳам Аҳмаджонов безовта қилинмади.

Булардан ташқари, Аҳмаджонов — шахсий манфаати учун жамоат мулкига хиёнат қилиб келган ва колхозчиларнинг ҳалол меҳнати туфайли вужудга келган маблағларнинг талон-торож этилишига сабабчи бўлган киши. Унинг ўзи ҳам турли найранглар ишлатиб, бу пуллардан манфаатдор бўлган. У, колхозга раис бўлиб, уч йил мобайнида 234 минг сўмни кўкка совурди. Аҳмаджоновнинг шахсан ўзи, сотилган шакардан 33 минг сўмни еб юборди. «Иккинчи бешйиллик» колхозидан олинган помидорни 31 минг сўмга сотдириб, пулнинг бир қисмини ўз маишатига сарфлади ва бир қисмига учинчи хотинига ховли сотиб олиб берди...

Аҳмаджонов жиноятлари ва разиллик ишлари блан кўпчиликка ма'лум бўлган киши. Бу ишларнинг ҳаммаси район прокурори ўртоқ Нишоновга ҳам аён, Аҳмаджоновнинг хотинлари ҳам унга ма'лум. Афсуски, ўртоқ Нишонов уйдирма гаплар блан, бу жиноятчини ёқлаб келди. Ҳатто Аҳмаджонов ва унинг талончи шериклари устидан 1949 йил 26 октябрьда қўзғотилган жиноий иш делоси шу йилнинг 7 мартига қадар район прокурорининг шкафларидан бирида чанг босиб ётди. Шуниси ажабланарлики, Аҳмаджоновнинг қат-қат жиноят иш делоси Нишоновнинг «хотира»сидан кўтарилгани йўқ, балки Нишонов жиноятчига хомилик қилиб, уни жавобгар қилишга жур'ат этмади.

Нишонов шов-шувларни бостириш учунгина Аҳмаджоновни ноилож ишга аралаштириб, ниҳоят «жавобгар»ликка тортди. Терговчи Масгудовнинг титроқ қўллари блан пала-партиш айбнома ёзилди ва бу айбнома ўртоқ Нишонов томонидан тасдиқланди. Иш район халқ судига топширилди. Суд Аҳмаджоновни қамоққа олди. Аммо суд раиси ўртоқ Шукуров бизга ма'лум бўлмаган сабабларга «асосланиб», ишни бошқа судга оширди.

Хўш, оқибат нима бўлди?

Бузғунчи Аҳмаджоновнинг иши шу йил 30 — 31 майда Қорасув район 1-нчи участка халқ судида кўрилди. Суд Толиповани 8 йил, Аҳмаджоновни 2 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Суднинг бу ҳукми Аҳмаджоновнинг яқинларига, шу жумладан, адвокат ўртоқ З. Оқиловга ҳам ёқмади. У, ўз ҳимоясидаги Аҳмаджоновга берган ва'даларини бажариш учун яна ҳаракат қилабошлади, Аҳмаджоновни «оқ» деб, область судига ариза ёзди. Ниҳоят, иш жуда тез, шу йил 24 июньда область судининг а'зоси ўртоқ Жуков раислиги, Муртазина, Дерягина ўртоқларнинг а'золигида кўрилди. Область судининг Аҳмаджоновнинг ишини кўрган а'золари ишга енгилтаклик блан қарадилар. Одамгарчилик қиёфасини йўқотган Аҳмаджонов ҳақидаги енгил жазони унга эп кўрмадилар. Улар ўйлаб-нетиб турмай, «Ҳакимжон Аҳмаджонов айбсиз, оқлансин» деб ажрим чиқардилар. Шундай қилиб, Толиповани зўрлаган, уни ўз боласини ўлдиришга мажбур этган, колхоз мулкини талаган Аҳмаджонов ўз хомиларининг ёрдами блан оқланиб, қамоқдан чиқарилди.

Бир ашаддий жиноятчининг оқланиш тарихи ана шундай. Кўпчилик, Аҳмаджонов ва унинг лаганбардорлари ҳаракатининг беҳудалигини яхши билади. Бугун бўлмаса, эртага уларнинг сири фош бўлиб, жазоланиши шубҳасиз Жамоатчиликнинг фикри ва талаби ҳам шу.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Босилмаган хабарлар изидан

Редакциямизга келган бир хабарда Тошкент шаҳар кинолаштириш бўлими бошлиғининг вазифасини бажаручи Канишчикер ўз мансабини суиисте'мол қилиб, Сталин районидаги иккита кинотеатрда текшириш ўтказиш юзасидан қонунсиз ҳаракатлар қилиб, кўрсатилаётган янги фильмларни тўхтатиб қўйганлиги ва тамошабинлар блан қўпол муомалада бўлганлиги кўрсатилган эди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Ил'ёсов бу хабар юзасидан текшириш ўтказилиб, унда кўрсатилган фактлар тўғри топилганлигини ва Канишчикер ўз вазифасидан четлаштирилганлигини редакциямизга хабар қилди.

Адабий танқидчиликнинг савиясини кўтарайлик!

Ўзбек адабиётида танқидчиликнинг аҳволи ҳақида

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда янги адабиёт, ўзбек социалистик миллатининг адабиёти яратилди. Бутун совет адабиёти каби, ўзбек адабиёти ҳам юксалмоқда. Ёзучилар кейинги йилларда ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак бир қанча асарлар яратдилар.

ВКП(б) Марказий Комитетининг мафкура масалалари юзасидан қабул қилган ва халқни коммунизм руҳида тарбиялаши керак бўлган совет адабиётининг ривожланиш йўлларини белгилаб берган тарихий қарорлари ўзбек совет адабиёти ва адабий танқидчилигининг ривожланишига ҳам катта та'сир кўрсатдилар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда Алишер Навоий ва Ҳамза Ҳакимзоданинг турмуши ва фаолияти ҳақида бирмунча илмий-танқидий мақолалар ҳамда монографиялар ёзилди. Ўзбек халқининг адабий мероси ҳақида, ўзбек фольклори тўғрисида ҳам асарлар яратилди. Танқидчи Юсуф Султоновнинг биринчи совет ўзбек шоири, драматурги ва композитори Ҳамза Ҳакимзода ижодиёти ҳақидаги асари диққатга сазовордир.

Танқидчиларимиз бирмунча ўзбек совет ёзучиларининг ижодиёти ҳақида монографиялар тайёрладилар, Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети тасдиқлаган янги программалар асосида ўрта мактабларнинг юқори синфлари учун ўзбек адабиёти тарихидан дарсликлар яратдилар.

Республика партия матбуоти бирмунча мақола босиб чиқарди, бу мақолаларда А. Алимуҳамедовнинг асарларидаги буржуа эстетизми ва космополитизми фош қилиб ташланди, бу мақолалар адабиётда космополитизмга қарши курашда ёзучиларимизга катта ёрдам бердилар.

Танқидчилардан С. Қосимов ва С. Азимов ба'зи драматургларимизнинг ижодиётидаги жиддий камчиликлар ва принципиал хатоликларни ўз вақтида очиб бердилар.

Буларнинг ҳаммаси ВКП(б) Марказий Комитетининг мафкура масалалари юзасидан қабул қилган қарорларидан кейин Ўзбекистонда адабий танқидчилик ривожланганидан, адабий танқидчилик соҳасида кадрлар ўсиб етишганидан далолат беради. Броқ буларнинг ҳаммасидан Ўзбекистонда адабий танқидчилик иши яхши аҳволда экан деган хулоса келиб чиқмайди. Адабий танқидчилик партия томонидан олдимизга қўйилган юксак талаблардан ҳамон орқада қолиб келмоқда.

ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорларига ва ўртоқ Сталиннинг мафкура масалалари юзасидан берган кўрсатмаларига амал қилиб, Ўзбекистон К(б)П нинг X с'езди ўз қарорида республика Совет ёзучилар союзидан ижодий ишни янада яхшилашни, формализм, ғоясизлик, буржуа космополитизми ва миллатчилигининг барча кўринишларига қарши курашни кучайтиришни талаб этди.

С'езддан кейин кўп ўтмай Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Бюроси республика Совет ёзучилар союзининг иши ҳақида махсус қарор қабул қилди. Бу қарорда Ўзбекистон Совет ёзучилар союзи ёзучиларнинг ва адабий танқидчиларнинг ижодий кучларини ҳанузгача ташкил этучи раҳбар марказий бўлаолмаганлиги қайд қилинди.

Шуни айтиш керакки, Ёзучилар союзи ва унинг танқидчилик секцияси сўнгги вақтга қадар бу соҳада етарли даражада ишламадилар. Адабий танқидчилигимизда жиддий нуқсонлар, қўпол мафкуравий камчиликлар ҳамон учрамоқда.

Адабиётшунос М. Салье «Звезда Востока» журналида босилган «Ўзбек адабиёти тарихидан очерклар»ида ўзбек классик адабиётининг оригиналлиги ва мустақил адабиёт эканлигини рад этди ҳамда унинг гўё тақлидий характерини исбот қилишга уринди. А. Веселовскийнинг фанга қарши, зарарли методини қўлланиб ҳамда адабиётни, шу адабиётни яратган халқдан, иктимоий негиздан ажратиб қўйиб, М. Салье ўзбек адабиёти воқиа ва образларини форс адабиётидан олган, ҳечқандай янгилик бермаган ҳамда форс адабиётидан фақат тил э'тибори блан фарқ қилади, деган да'вони қилди. М. Салье Алишер Навоийнинг ижодий мустақиллигини ҳарқандай йўллар блан камайтириб кўрсатди, Алишер Навоий адабий меросининг эрон миллатчилари томонидан ўғирланиб ўзлаштирилишига йўл қўйди, фанэронизм қарашларининг тарғиб қилинишига ёрдам берди ҳамда форс маданияти ва адабиётининг Ўрта Осиёда тутган «юксак ўрни» ҳақидаги қалбаки концепцияни илгари сурди.

В. Жирмунский ва Ҳ. Зариповнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» номли китоби ҳам космополитизмнинг аянч кўринишидир. Бу китобнинг пайдо бўлиши бутун республика жамоатчилигининг адолатли ғазабига учради. «Правда» газетаси бу китобни ўз вақтида танқид қилди. Бу китобнинг авторлари беватан космополитизм мавқиида туриб иш кўриб, ўзбек фольклорининг мустақил асарлари ғарбий европа манба'ларидан олинган деб да'во қилдилар ёки бу асарлар араб-форс адабиёти та'сирида пайдо бўлган деб ҳисобладилар. Улар адабиётшунослигимизга, бизга ёт бўлган пантуркизм, панисломизм, панэронизм мафкурасини ҳамда буржуа Ғарби қаршисида та'зим қилиш ғояларини олиб киришга уриндилар.

Ҳ. Зарипов «Лутфий ва Навоий» номли мақоласида (1948 йил) ўзбек адабиёти форс адабиётидан келиб чиққанлиги, ўрта асрларда «мусулмон Шарқи»да ягона адабиёт бўлганлиги ҳақида ёзди.

Инглиз-америка тескаричилари ва уларнинг содиқ малайлари Шарқ халқларининг қобилиятли халқлар эмаслиги, улар маданий ижод қилишга қодир эмаслиги ҳақидаги тутруқсиз «ғоя»ни зўр бериб тарғиб қилмоқдалар, улар бу блан Шарқ халқларини қул қилишни осонлаштиришни ва ўзларининг талончилик ниятларини амалга оширишни кўзда тутадилар. Ҳ. Зарипов мақоласидаги каби космополитик фикрлар эса мана шу инглиз-америка тескаричиларига ва уларнинг содиқ малайларига қўл келади.

Халқларни таловчилар ва бўғучилар —инглиз-америка империалистлари, манфур пантуркистлар, панисломистлар, панарабистлар ўзбек халқи маданиятининг ва совет Шарқидаги бошқа халқлар маданиятининг гуллаб-яшнашига тоқат қилиб туролмайдилар. Шунинг учун ҳам улар бу халқларнинг маданий меросини камситишга, улар маданияти мустақиллигини инкор қилишга урниб келдилар ва ҳозир ҳам уринмоқдалар, шунинг учун улар бу халқларнинг маданияти—турк ё эрон ёки араб феодал маданиятига тақлиддан бошқа нарса эмас, деган сохта фикрларни ҳарқандай йўллар блан тарғиб қиладилар. Тор-мор келтирилган аксилинқилобчи маҳаллий буржуа миллатчилари ҳам мана шу мавқи'да турар эдилар.

«Умуммусулмон», «умумтурк», «умумэрон» адабиётининг «ягона оқини» ҳақидаги пантуркистларча ва панисломистларча фикр юритиш, ўзбек халқи ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар адабиёти ва маданиятининг оригиналлигини инкор этиш халқ душманлари учун мафкуравий ниқоб бўлиб хизмат қилади.

Совет адабиётшунослиги ва танқидчилигининг муҳим масалаларини ишлаб чиқиши керак бўлган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти ҳали ҳам қониқарсиз ишламоқда. Ўзбек совет адабиётининг энг муҳим масалалари соҳасида шу кунга қадар мукаммал асарлар ёзилгани йўқ. Институт 15 йиллик ҳаёти давомида ўзбек совет адабиёти тарихи соҳасида бирорта ҳам актуаль масалани ишлаб чиқмади, рус адабиётининг ўзбек совет адабиётининг ривожланишига ҳаётбахш та'сири ҳақидаги масалани ҳам ёритмади. Институтдаги бундай қониқарсиз аҳвол адабий танқидчилик соҳасидаги қолоқликнинг сабабларидан биридир.

Буюк рус халқи маданиятининг ўзбек поэзиясига, прозаси ва драматургиясига ҳаётбахш та'сири ма'лум. Маяковский ва бошқа илғор совет шоирларининг ижодиёти ўзбек ше'рининг формаларини бойитмоқда. Шоирларимиз халқ поэзияси ва айниқса рус поэзиясининг формаларидан кенг фойдаланиб, янги формалар ишламоқдалар. Пушкин, Лермонтов, шунингдек Маяковский, Твардовский, Исаковский ва бошқа шоирларнинг асарлари ўрганилиши ва ўзбек тилига таржима қилиниши натижасида ше'риятимиз шундай янги формалар блан бойимоқда.

Ҳозирги замондан ажралиб қолиш ҳоллари республикадаги адабиётшунос кадрларни бирлаштирган Ўрта Осиё ва Ўзбекистон давлат университетлари ва педагогика институтларининг адабиёт кафедралари учун ҳам характерлидир.

Социалистик эстетиканинг муҳим масалаларини ишлаб чиқиш — адабиётшуносларнинг биринчи галдаги вазифасидир. Адабиётшунослар ва танқидчилар янги, совет ўзбек адабиётининг социалистик мазмунини таҳлил этиш блан бирга, унинг миллий формасини текшириш блан ҳам шуғулланишлари керак.

Адабий танқидчилар ўзбек совет адабиётининг барча жанрларида бадиий маҳоратни ошириш масаласи блан яқиндан шуғулланишга да'ват этилгандирлар. Бунинг учун «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» номли республика адабиёт журналларининг танқид ва библиография бўлимлари принципиал танқиднинг чинакам минбари бўлишлари керак. Танқид ва библиография бўлимлари ҳозирга қадар шундай минбар бўлганларича йўқ. Бўлимлар жуда паст савияда иш кўрмоқда, журналларнинг саҳифаларида танқидий мақолалар ва тақризлар ғоят кам босилаётир. Журналларнинг ва республика газеталарининг редакциялари ёш танқидчиларни ишга тортмаётирлар, бу кадрларни тарбияламаётирлар. Ба'зи танқидчилар асарнинг ғоявий мазмунини тушуниб етмай, унинг бадиий формасига баҳо бермай туриб, бу асарни темаси учунгина мақтайдилар ва мазмунини шунчаки баён қилиш блан кифояланадилар. Ба'зи танқидчилар эса янги асарни ёпласига қоралайдилар, ба'зи кичик камчиликлари учун уни ерга урадилар. Ба'зи танқидчилар турмушни, воқи'ликни билмасдан туриб мақолалар ёзадилар, ёзучи тасвирлаган воқиаларни чуқур ўрганмайдилар. Танқидчилар турмушни ёзучидан кўпроқ билишлари керак.

Ўзбекистон Совет ёзучилар союзи правлениесининг тўртинчи пленуми Ўзбекистонда адабий танқидчиликнинг аҳволи ҳақидаги масалани муҳокама қилиб, адабий танқидчиликдаги аҳволни яхшилашга ва уни янада ривожлантиришга қаратилган қарорлар қабул қилди.

Адабий танқидчиликнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш ўзбек совет адабиётининг янада ўсиши ва яшнашини та'мин этади, ўзбек совет адабиёти олдида турган вазифаларни бажаришга ёрдам беради.

Совет ёзучилари ва танқидчилари қудратли ғоявий қурол олдилар, бу — И. В. Сталиннинг тилшунослик масалаларига доир асарларидир. И. В. Сталиннинг тилшунослик ҳақидаги классик асарлари ёзучиларнинг асарларида бадиий форма ва тил усталиги масалаларини чуқур ёритиш соҳасида кенг йўл ва истиқбол очиб беради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон совет ёзучилари ўзбек совет адабиётининг келгуси йилда Москвада ўтказилиши мўлжалланган декадасига актив тайёргарликни қизитиб юбордилар. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг муваффақиятларини кўрсатиб бериш —ёзучилар ёзаётган асарларнинг беш темасидир.

Ўзбек халқининг ҳаётидаги янги нарсаларни мумкин қадар ёрқинроқ ва бадиий жиҳатдан мукаммалроқ кўрсатиб бериш—ёзучиларнинг жанговар вазифасидир. Ёзучиларнинг асарларидаги янги, илғор томонларни адабиётга мустаҳкам киритишда уларга ёрдам бериш — танқидчиларнинг вазифасидир.

Совет Ўзбекистони Шарқда социализм маш'алидир. Бу маш'ал феодал Шарқнинг барча мазлум халқларига озодлик ва мустақиллик учун кураш йўлини ёритиб турмоқда. Улуғ Ленин—Сталин партиясининг раҳбарлиги соясида республикамизда социалистик қурилиш соҳасида эришилган тарихий муваффақиятлар ҳақида мукаммал бадиий асарлар яратиб бериш — Ўзбекистон ёзучиларининг ватанпарварлик бурчидир.

Шароф РАШИДОВ.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигида Венгрия деҳқонлари делегацияси шарафига қабул маросими

Венгрия деҳқонлари делегацияси Совет Иттифоқига келганидан буён уч ҳафтадан ортиқ вақт ўтди. Делегация составида 196 киши бор. Вакиллар бу вақт ичида Украинадаги, РСФСРнинг марказий областларидаги, Ўзбекистон ва Қирғизистондаги колхоз, совхоз, МТСларда ва илмий-текшириш муассасаларида бўлдилар. Улар агротехникани, механизацияни, меҳнатнинг уюштирилиши ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартибларини, совет агробиология ва зоотехника фанининг ютуқларини пухта ўргандилар.

12 августда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Москвага қайтиб келган делегация шарафига қабул маросими ўтказди. СССР қишлоқ хўжалик министри И. А. Бенедиктов, министр ўринбосарлари П. П. Лобанов, И. И. Стрельцов, Министрликнинг мас'ул ходимлари меҳмонларни кутиб олдилар.

Деҳқон аёл Сабо Мартонэ, деҳқончилик ишлабчиқариш кооперативининг раиси Иштван Ковач ва делегация раҳбари, Венгрия Халқ республикасининг ер ишлари министри Ференц Эрдеи Совет Иттифоқига қилган сафарларидан олган таассуротлари ҳақида гапирдилар. Улар Венгрия деҳқонларининг вакилларига СССРдаги социалистик қишлоқ хўжалигининг ютуқларини ўрганиш имконияти берилганлиги учун Совет ҳукуматига ва ўртоқ И. В. Сталинга қизғин ташаккур изҳор қилдилар.

Яккa деҳқон Сабо Мартонэ бундай деди:

— Мен бу ерда, Совет Иттифоқида, меҳнаткашларни бахтли ҳаётга олиб чиқадиган бирдан-бир йўл йўриқ жамоат хўжалиги йўли эканлигига астойдил ишондим. Мен юртимга қайтиб боришим билан дарҳол деҳқончилик ишлабчиқариш кооперативига а'зо бўламан.

Унинг меҳнаткашлар улуғ йўлбошчиси ўртоқ И. В. Сталин шарафига, Венгрия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги абадий мустаҳкам дўстлик шарафига айтган табрик сўзлари давомли қарсаклар билан ма'қулланди.

Қабул маросимининг охирида ўртоқ Бенедиктов нутқ сўзлади. (ТАСС).

Германия ва Австриядаги америка-инглиз оккупациячи ма'мурларнинг радио эшитдириш тўғрисидаги халқаро битимни бузганликларига қарши халқаро радио эшитдириш ташкилотининг норозилиги

Июль ойининг охирида Будапештда Халқаро радио эшитдириш ташкилоти (ОИР) Ма'мурий Советининг XV сессияси бўлиб ўтди. Бу ташкилот составида СССР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Латвия, Литва, Эстония, Молдавия ва Карель-Фин республикалари, Польша, Чехословакия, Венгрия, Болгория, Румыния, Албания, шунингдек Финляндия, Сурия, Югославия радио эшитдириш органлари бор.

ОИРнинг Ма'мурий Совети радио эшитдириш юзасидан тузилган халқаро битимнинг ва Европадаги радио эшитдириш станцияларн учун узун ва ўрта тўлқинларни тақсимлаш юзасидан 1948 йилда Копенгагенда қабул этилган янги планнинг шу йил 15 мартдан бошлаб жорий қилинишига боғлиқ бўлган бирқанча масалаларни муҳокама қилди. Ма'мурий Совет ОИРнинг ҳамма а'золари бу планга қаттиқ риоя қилаётганликларини та'кидлади.

Шу билан бирга, ОИРнинг Ма'мурий Совети қуйидагиларни та'кидлади: «янги узун тўлқинларга ўтилган кундан бошлаб ОИР а'золарининг бирқанча радио эшитдириш станциялари шундай аҳволга тушиб қолдиларки, уларнинг радио эшитучилари ўз радио станцияларининг программаларини нормал эшитиш имкониятидан маҳрумдирлар. Бунга сабаб шуки, Германия ва Австриядаги америка, инглиз ва француз доираларида бўлган оккупациячи ма'мурлар Копенгаген битимини қўпол равишда бузадилар.

Америка, инглиз ва француз оккупациячи ма'мурлари Копенгаген планида Европадаги бошқа мамлакатлар учун мўлжалланган тўлқинлардан қонунга хилоф суратда фойдаланишлари билан қонунга хилоф ана шундай ҳаракатлардан келиб чиқадиган оқибатларнинг ҳаммаси учун жавобгар бўладилар. Қонунга хилоф бундай тадбирлардан кузатилган мақсад — радио эшитдириш соҳасидаги халқаро ҳамкорликка путур етказишдир.

ОИРнинг Ма'мурий Совети Копенгаген битимининг бузилишига қарши қаттиқ норозилик билдириб, қонунга хилоф тадбирларнинг тўхтатилишини ва Копенгаген битимининг пухта бажарилишини талаб этади».

Германия ва Австриядаги америка-инглиз оккупациячи ма'мурларининг радио эшитдириш тўғрисидаги халқаро битимни бузаётганликларига қарши ОИР Ма'мурий Советининг Силдирган норозилиги Жанвадаги Халқаро электр алоқаси союзига юборилди. (ТАСС).

Қурия халқининг озодлиги, мустақиллиги ва бирлиги учун

СОВЕТ АРМИЯСИ ТОМОНИДАН ҚУРИЯНИНГ ЯПОНИЯ ЗУЛМИДАН ОЗОД ҚИЛИНГАНИГА 5 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БЛАН БИРЛАШГАН ДЕМОКРАТИК ВАТАН ФРОНТИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ШИОРЛАРИ

ПХЕНЬЯН, 13 август. (ТАСС). Пхеньян радиоси Совет Армияси томонидан Қуриянинг япон империалистлари зулмидан озод қилинганига беш йил тўлиши муносабати блан Бирлашган демократик ватан фронти Марказий комитетининг шиорларини эшитдирди.

Яшасин 15 август куни—Улуғ Совет Иттифоқининг Қуролли Кучлари томонидан Қуриянинг империалистик Япония мустамлака усул идорасидан озод қилинганига 5 йил тўлган кун!

Яшасин қурия халқининг халоскори, унга ўз бирлиги, мустақиллиги ва демократик тараққиёти учун курашда самимий ёрдам беручи улуғ Совет Иттифоқи! — дейилади шиорда.

Яшасин улуғ совет халқи блан қурия халқи ўртасидаги бузилмас абадий дўстлик!

Яшасин Совет Иттифоқи халқларининг улуғ йўлбошчиси, қурия халқининг энг яқин дўсти ва ҳалоскори Генералиссимус Сталин!

Шиорларда, қурия халқининг қуролли кучларига — ватаннинг мустақиллиги, озодлиги ва шон-шарафини қуролли интервентлардан, яъни америка империализмидан ва лисинманчи хоинларидан ҳимоя қилаётган қаҳрамон Халқ армиясига абадий шон-шарафлар бўлсин! дейилади.

Бирлашган демократик ватан фронтининг Марказий комитети қаҳрамон Халқ армиясининг солдатлари ва офицерларини душманларни аёвсиз қиришга, сра омон бермай қиришга чақиради. Ғалаба байроғи остида Пусан ва Чиньхэ томон, олға! — деб хитоб қилади.

Айрим шиорларда душман орқасида ҳаракат қилаётган партизанларга мурожаат қилинади.

Ватандошлар! Биродарлар ва опа-сингиллар!—дейди Бирлашган демократик ватан фронти Марказий комитети. — Ҳамма нарса ғалаба учун; фронт учун ҳамма нарсани беринг!

Шиорларда озод қилинган районларнинг аҳолиси Қурия халқ-демократик республикаси ҳукумати атрофида мустаҳкам жипслашинг, Халқ комитетлари сайлашда актив қатнашишга, тезроқ ғалабага эришиш учун ёрдам беришга чақирилади.

Ватандошлар, биродарлар ва опа-сингиллар! — деб хитоб қилади Бирлашган демократик ватан фронти қурия халқига, — Улуғ Совет Иттифоқи бошлиқ халқаро демократик кучлар бизнинг томонимиздадир. Ғалабага тўла ишонганингиз ҳолда агрессорларни — америка империалистларини ва уларнинг малайлари лисинманчи хоинларни шафқатсиз қиринг!з! Яшасин Совет Иттифоқи бошлиқ халқаро демократик кучларнинг мустаҳкам бирдамлиги!

Қаҳрамон Халқ армиясининг ватан озодлиги, мустақиллиги ва шон-шарафи учун курашда ҳалоқ бўлган жангчилари ва командирларига ҳамда шу йўлда ҳалоқ бўлган мард ватанпарварларга абадий шон-шарафлар бўлсин!

Яшасин чинакам халқ ҳокимияти органлари бўлган Халқ комитетлари! Яшасин Қурия халқ-демократик республикаси! Яшасин қурия халқининг севикли йўлбошчиси, ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси, Қурия халқ-демократик республикаси Министрлар кабинетининг раиси Ким Ир Сен!

МАШҲУР ИРОҚ ШОИРИ ТИНЧЛИК ИШИ УЧУН АКТИВ КУРАШМОҚДА

ДАМАШҚ, 13 август. (ТАСС). Бағдодда чиқадиган тараққийпарвар руҳдаги «Садо ал-аҳоли» газетасида яқинда миллий шоир Муҳаммад Маҳди Алжавоҳирийнинг ироқ халқига қаратэ чиқарган мурожаати босилди. Шоир ўз мурожаатида аҳолини Стокгольм Мурожаатига қўл қўйишга чақиради ва уруш оловини ёқучиларни фош қилади.

Қора кучлар, агрессия ва империализм кучлари, — дейилади мурожаатда, — жаҳонни янги урушга тортмоқчи бўладилар. Бу урушда халқларнинг яна кўплаб қирилиши, инсоният эўр машаққат блан узоқ меҳнат қилиб вужудга келтирган маданият, озодлик ва прогрессниг барбод этилиши муқаррардир.

Инглиз-америкалв чайқовчилар, тараққиёт ва маданият душманлари ҳамма жойда ўз ихтиёрларидаги барча воситалардан фойдаланиб, янги уруш чиқаришга тайёрланмоқдалар. Улар атом бомбалари ва одамларни қўплаб қирадиган ҳамда барча нарсани хароб этадиган қуролларни тайёрлаш учун жуда кўп маблағ сарфламоқдалар. Улар халқларнинг озодлигини, суверенитетини ва мустақиллигини поймол қилмоқдалар. Улар янги уруш тайёрлаш учун фандан фойдаланмоқдалар, сан'атни таҳқир этмоқдалар, ҳархил ёлғон гапларни тарқатмоқдалар.

Империалистлар уруш чиқариш мақсадида араб мамлакатларини ҳархил шартномалар тузишга мажбур этмоқдалар. Империалистлар ва уларнинг шериклари бизнинг мамлакатимизни агрессив иттифоқларга тортмоқчи бўладилар. Бу иттифоқлар империалистларнинг босқинчилик манфаатларига хизмат қилади. Бу йўл бизнинг мамлакатимизга хўрлик, қашшоқлик ва вайронгарчилик келтиради. Инглиз-америка империалистлари уруш чиқариш ниятида халқларнинг қаршилигини бостириш ва уларнинг экономикасини қайта қуроллаиш программаси талабларига бўй сундириш учун зўр бериб уринмоқдалар. Империалистлар уруш чиқариш мақсадида демократик эркинликларга, халқ ташкилотлари ва миллий ташкилотларга қаттиқ ҳужум қилмоқдалар.

Аммо барча озод халқларни озодлик ва мустақиллик учун курашга бирлаштирувчи тинчлик лагерининг кучлари империалистларнинг ва уруш оловини ёқучиларнинг кучларидан кўпдир.

Тинчлик лагери ер юзининг ҳамма жойларида янгидан-янги ғалабаларга эришаётганлиги туфайли тинчлик лагерининг кучлари кундан-кунга ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Шунинг учун ҳам империалистлар ва уруш оловини ёқучилар қутираётирлар. Улар тайёрлаётган ахмақона авантюраларнинг хавфи ортмоқда, жумладан, атом қуролини ишлатиш хавфи кучаймоқда.

Мурожаат тинчликни ҳимоя қилиш учун курашга ва атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Стокгольм Мурожаатига қўл қўйишга чақириш блан тамомланади.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ БЛАН ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ ЎРТАСИДА МОЛ АЙИРБОШЛАШ ТЎҒРИСИДА ТУЗИЛГАН БИТИМНИНГ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

БЕРЛИН, 12 август. (ТАСС). АДН агентлиги билдиради: Германия демократик республикаси блан Ғарбий Германия ўртасида мол айирбошлаш тўғрисида Франкфуртда тузилган битимнинг муддати 11 августда Берлинда шу йилнинг 30 сентябригача узайтирилди. Битимда кўрсатилган молларнинг ҳаммаси, шу жумладан темир, пўлат ва ёғоч-тахта яна дарҳол етказиб берилабошлайди.

Маориф ходимлари халқаро бирлашмасининг бешинчи конференцияси ёпилди

ВЕНА, 12 август. (ТАСС). Маориф ходимлари халқаро бирлашмаси (Жаҳон касаба союзлари уюшмаси ишлабчиқариш бўлими) нинг бешинчи конференцияси ёпилди. Конференциянинг ишларида 17 мамлакат вакиллари қатнашди. Конференция бирлашма ижроия бюросининг ҳисобот докладини, шунингдек «Тинчлик учун кураш тўғрисида»ги ва «Ўқитучиларнинг моддий аҳволи тўғрисида»ги докладни муҳокама қилди.

Конференция қабул қилган резолюцияда ўқитучиларнинг тинчлик учун курашдаги ва Стокгольм Мурожаатига имзо тўплашдаги роли белгиланган. Конференция маориф ходимларининг барча тараққийпарвар ташкилотларини тинчлик учун курашни кучайтиришга ва ёш авлодни уруш руҳида эмас, балки тинчлик руҳида тарбиялаш учун ёрдам беришга чақирди.

Конференция қатнашчилари капиталистик мамлакатлардаги маориф ходимларининг турмуш шароитини яхшилаш учун кураш тўғрисида ҳам резолюция қабул қилдилар.

Ҳозирги вақтда халқаро ишчилар ҳаракатининг манфаатларига хиёнат қилган кишилар Югославия ўқитучилар ташкилотига раҳбарлик қилаётганлиги сабабли, барча вакиллар Югославия ўқитучилар ташкилотини Маориф ходимларининг халқаро бирлашмасидан чиқаришни ёқлаб якдиллик блан овоз бердилар.

Конференция профессор Анри Валлонни яна Маориф ходимлари халқаро бирлашмасининг раиси қилиб ва Поль Делануэни бу бирлашманинг бош секретари қилиб сайлади, СССР, Хитой ва Латин Америкаси мамлакатларининг вакиллари бирлашма раисининг ўринбосарлари қилиб сайланди.

Америка Қўшма Штатлари давлат департаментининг таз'йиқи остида

ГААГА. 12 август. (ТАСС). АНП агентлиги билдиради: Голландия ҳукумати кеча америка агрессорларига ёрдам бериш учун Қурияга 400 кишидан иборат икки бўлинма юбориш ҳақида қарор қабул қилди. Пиёда аскарлар ва денгиз пиёда аскарларидан иборат бўлинмалар илгари Индонезияда эди.

Тараққийпарвар матбуот шу тўғрида ғазабланиб ёзмоқда ва бундан бирнеча кун илгаригина, Қурияга битта ҳам солдат юборилмайди, деб э'лон қилган ҳукуматни мунофиқликда айбламоқда.

Туркияда тинчлик тарафдорлари та'қиб этилмоқда

ИСТАМБУЛ, 13 август. (ТАСС). «Сўнг телеграф» газетаси хабар беради: кеча «Фесхане» фабрикасининг ишчиси Аҳмад Тоқир Туркия тинчлик тарафдорлари жамиятининг мурожаатини ўз цехида деворга осиб қўйганлиги учун қамоққа олинди. Мурожаатда Қурияга турк солдатларининг жўнатилишига қарши норозилик билдирилади.

Лахордаги болалар уйларида етим болаларнинг аҳволи жуда оғир

КАРАЧИ, 12 август. (ТАСС). «Синд обсервер» газетаси Лахордаги болалар уйларида бўлган етим болаларнинг оғир аҳволи тўғрисида Лахордан олинган хабарни э'лон қилди.

Ғарбий Панжоб вилоятида болаларга ёрдам беручи жамиятнинг а'зоси Рауф бундай дейди: «Лахорда ўғил болалар учун 10 уй очилган, аммо бу уйлар ғоларга ўхшайди, буларда сра ҳам яшаш мумкин эмас. Ўғил болалар худди гадойлардек тиланчилик қилиб юрадилар». Рауф болалар уйларининг ҳаммасидаги болалар ўртасида турли касалликлар кенг тарқалганлигини айтади.

Қуриядаги воқиалар

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 12 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 12 август эрта блан қуйидагиларни билдирди: Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда америка қўшинлари ва лисинманчи қўшинларга қарши шиддатли жангларни давом этдирдилар.

Халқ армиясининг қисмлари шарқий қирғоқ районида америка қўшинларини душманнинг қаттиқ қаршилигини енгдилар ва Пхоҳан (Хокодо)нинг ғарбида жойлашган Гиде шаҳрини озод қилдилар.

11 августда Пхоханнинг ғарбида американинг 3 аэроплани уриб туширилди.

Америка аэропланлари 12 августда Пхеньян ва Кимчхонь (Кинсен) районларига ваҳшиёна ҳужум қилдилар. Халқ армиясининг зенит артиллерияси Пхеньян устида учган бир америка аэропланини уриб туширди.

ПХЕНЬЯН, 13 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армияси Бош қўмондонлигининг 13 август эрта блан э'лон қилган ахборотида қуйидагилар дейилади: «Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда америка қўшинларига ва лисинманчи қўшинларга қарши шиддатли жангларни давом этдирдилар.

Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёсининг шарқий қирғоғида душман қарши ҳужумга ўтиш учун бирнеча марта уриниб кўрди. Аммо Халқ армиясининг қисмлари душманнинг бу урунишларига зарба бердилар.

Халқ армиясининг Пхоҳан (Хокодо) ғарбида жойлашган Гидени озод қилган қисмлари шарқий қирғоқда маҳаллий партизан отрядларининг ёрдами блан душманга қаттиқ зарблар бермоқдалар ва ҳужум жангларини давом этдирмоқдалар.

Халқ армиясининг турли қисмлари жанубий қирғоқда биргаликда ҳаракат қилмоқдалар ва қаттиқ қаршилик кўрсатаётган америка қўшинларига зарба бермоқдалар.

ПХЕНЬЯН, 13 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 13 август кечқурун қуйидагиларни билдирди:

Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда америка қўшинларига ва лисинманчи қўшинларга қарши шиддатли жангларни давом этдирмоқдалар.

Халқ армиясининг шарқий қирғоқ районида ҳаракат қилаётган қўшинлари душманнинг қаттиқ қаршилигини енгдилар ва Пхоҳан (Хокодо)нинг ғарбида жойлашган Гиде шаҳрини озод қилдилар.

11 августда Пхоханнинг ғарбида американинг 3 аэроплани уриб туширилди.

Америка аэропланлари 12 августда Пхеньян ва Кимчхонь (Кинсен) районларига ваҳшиёна ҳужум қилдилар. Халқ армиясининг зенит артиллерияси Пхеньян устида учган бир америка аэропланини уриб туширди.

ПХЕНЬЯН, 13 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армияси Бош қўмондонлигининг 13 август эрта блан э'лон қилган ахборотида қуйидагилар дейилади: «Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда америка қўшинларига ва лисинманчи қўшинларга қарши шиддатли жангларни давом этдирдилар.